АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛХАЙРОВ МАНЗАР ХУСАНОВИЧ

НАВОИЙ АСАРЛАРИ МАТНИ ТАБДИЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УСУЛЛАРИ, ТАМОЙИЛЛАРИ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УЎК:801.82:821.512.133-1 (043.4)

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Абдулхайров Манзар Хусанович
Навоий асарлари матни табдилини амалга ошириш усуллари, тамойиллари ва амалий масалалари.....3

Абдулхайров Манзар Хусанович
Методы, принципы и практическая транслитерация текстового соединения произведений Навои.....34

Abdulkhayrov Manzar Xusanovich
Methods, principles and practical implementation of text connection of Navoi's works
…….....66

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of publications.....70

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛХАЙРОВ МАНЗАР ХУСАНОВИЧ

НАВОИЙ АСАРЛАРИ МАТНИ ТАБДИЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УСУЛЛАРИ, ТАМОЙИЛЛАРИ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестаци комиссиясида B2017.2.DSc/Fil65 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Сирожиддинов Шуҳрат Самариддинович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Муҳиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович**
филология фанлари доктори, профессор

Эркинов Афтондил Садирханович
филология фанлари доктори

Шодмонов Нафас Намозович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «7» сентябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; (www. navoiy-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44;(www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «25» август куни тарқатилди.
(2020 йил «25» август даги 14 - рақамли реестр баённомаси).

Н.А.Жабборов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, филол.ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Н.А.Жабборов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX аср иккинчи ярмидан эътиборан жаҳон филологик тадқиқотларида янгича ёндашувлар ва парадигмаларнинг вужудга келиши соҳа тараққиётини кескин кўтариш билан бирга, фанлараро узвийлик ва уйғунлик масалаларига қатьий риоя қилишни долзарб масалага айлантирди. Матншунослик соҳасига кириб келган лингвистик, фалсафий, бадиий талқин мезонлари, айни чоғда, герменевтика, синергетика, семиотика каби бир қанча янги тадқиқ методларининг бадиий матн тадқиқида ҳал қилувчи ўринни эгаллашига олиб келди. Мазкур манбаларни нашр этиш, улуғ мутафаккирларимиз ва шоирларимизнинг асарларини бугунги кун ўқувчисининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб табдилини амалга ошириш матншунослик ва манбашунослик соҳасининг диққат марказига чиқди.

Дунёда замонавий матншуносликнинг илмий-назарий муаммоларидан саналган бадиий асар семиотикаси, синергетик таҳлил, герменевтик таҳлил, матнни тиклашнинг «конъектура», «глосс» ва «интерполяция», статистик усулларини қўллаш мумтоз матнларни табдил қилишда кенг қўлланмоқда. Айни маънода Навоий асарлари матнини табдил этишда конъектура, глосс, статистик тадқиқ усулларининг самарали аҳамиятини очиб бериш, улардан ўринли ва мақсадли фойдаланиш йўлларини кўрсатишга бағишланган тадқиқотларга зарурат туғилмоқда.

Ўзбекистонда адабиётга бўлган эътибор ўлароқ, «...матншунослик, адабий манбашунослик, тилшунослик, фалсафа, маданият тарихи соҳаларида миллий маданий меросимизни ҳали ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор билан қараш»[1] давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу жиҳатдан, Алишер Навоий асарларини эски ўзбек ёзувидан жорий алифбога кўчириш савия ва сифатини тубдан кўтариш, матндаги истеъмолдан чиққан туркий сўзларни тушунтириш, чет сўзлар ва диний атамаларга изоҳлар бериш, табдил вариантларини янгича тамойил ва усулларга таяниб амалга ошириш матншунослик ва адабий манбашунослик соҳасининг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Навоий асарларининг сўнгги нашри бўлган 10 жилдли «Тўла асарлар тўплами» 20 жилдли «Мукаммал асарлар тўплами» нашридан фарқ қилмайди. Ҳаммага маълумки, бу нашрлар кўп нуқсонларга эга. Уларни бартараф этмасдан туриб, навоийшуносликни ривожлантириб бўлмайди. Шу пайтгача ушбу нашрлардаги хато ва камчиликлар комплекс таҳлил қилинмади. Уларни ўрганиш мазкур тадқиқотнинг долзарблигини билдиради. Иккинчидан, келажакдаги табдил ишларида назарда тутишимиз керак бўлган янгича мезонлар, тамойил ва усулларни белгилаш тадқиқотнинг зарурийлигини англатади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2995-сонли қарори. «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»/ Халқ сўзи. – 2017. – 25 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2009-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда ушбу фаолиятга дахлдор бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[1]**.** Алишер Навоий асарлари матни тадқиқи ва уларни табдил этиш билан боғлиқ ишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Leipzig, The Humboldt University (Германия); Oxford University, Кембридж университети (Буюк Британия); Токио хорижий тиллар университети (Япония); Москва давлат университети Осиё ва Африка мамлакатлари институти, Санкт-Петербург давлат университети (Россия); Озарбайжон Илмлар академияси Низомий номидаги Тил ва адабиёт институти, Боку давлат университети (Озарбайжон); Истанбул университети (Туркия), Анқара университети (Туркия), Афйон университети (Туркия); Academy of Sciences of Afganistan Institute of Languages and Literature, Кобул университети, Балх университети (Афғонистон); دانشگاه پیام نور, کتوبخانه ملک (Эрон); دانشگاه پنجاب دانشکده خاورشناس (Покистон), шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, ЎзР ФА шарқшунослик институтида олиб борилмоқда.

Дунё навоийшунослигида Алишер Навоий асарлари матнини ўрганишнинг усуллари, тамойиллари ва амалий масалалари бўйича қуйидаги натижаларга эришилган: Алишер Навоий асарлари мисолида матншунослик ва адабий манбашуносликнинг илмий-назарий муаммолари таҳлилини бериш (University of Leipzig, Humboldt University (Германия), Oxford University, Кембридж университети (Буюк Британия), Токио хорижий тиллар

[1] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.sorbonne-universite.fr, www.uni-leipzig.de, www.hu-berlin.de, www.lang.ox.ac.uk, www.u-tokyo.ac.jp, www.bsu.edu.az, www.msu.ru, www.iv-ran.ru, www.spbu.ru, www.istanbul.edu.tr, www.jnu.ac.in, www.ku.edu.af, www.pnu.ac.ir, www.navoiy-uni.uz, www.beruniy.6te.net, www.tai.uz сайтлари ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

университети (Япония); Москва давлат университети, Осиё ва Африка мамлакатлари институти, Санкт-Петербург давлат университети (Россия); Озарбайжон Илмлар академияси Низомий номидаги Тил ва адабиёт институти,پنجاب دانشگاه خاورشناس دانشکده (Покистон), шоир асарлари матнини жорий ёзувга табдил қилиш тамойилларини белгилаш, шу асосда Навоий асарларининг лотин ёзувидаги транслитерациясини амалга оширишдаги амалий ечимларини илмий истеъмолга олиб киришга доир илмий-назарий хулосалар чиқариш (Озарбайжон Илмлар академияси Низомий номидаги Тил ва адабиёт институти, Боку давлат университети (Озарбайжон); Истанбул университети (Туркия), Анқара университети (Туркия), Афйон университети (Туркия); Academy of Sciences of Afganistan Institute of Languages and Literature, Кобул университети, Балх университети (Афғонистон), Навоий асарлари матнини табдил ва тадқиқ этиш бўйича олиб борилган изланишлар натижасида, қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Навоий асарларининг айримлари, хусусан, «Ҳайрат ул-аброр» асаридаги сўз ва ибораларнинг қисман маъно кўлами, частоталари аниқланган (Истанбул университети, Туркия)[1]; шоир асарлари матнининг қиёсий-типологик таҳлилига доир, хусусан, «Муножот», «Чиҳил ҳадис» («Арбаъин»), «Назм ул-жавоҳир», «Сирож ул-муслимин» асарлари тадқиқот объекти доирасига киритилган (Анқара университети, Туркия)[2]; Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» асаридаги «Фавойид ул-кибар» матни қайта нашр этилган ва унга қисман глоссарийлар берилиб, девондаги ғазалларининг вазн ўлчов бирликлари аниқланган (Анқара университети, Туркия)[3]; 2015 йилда Туркиянинг Анқара шаҳрида «Ҳайрат ул-аброр» асари нашрлари адабий манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан қиёсий ўрганилиб, унинг 3987 байтдан иборат тўла матни чоп этилган[4]; Навоий асарлари матнининг бадиий таҳлили асосланган (Боку давлат университети, Озарбайжон)[5]; Алишер Навоийнинг «Хамса», «Хазойин ул-маоний», «Маҳбуб ул-қулуб», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Мажолис ун-нафоис», «Насойим ул-муҳаббат» каби асарлари-нинг бадиий ва матний хусусиятлари ёритилган (Боку давлат университети, Озарбайжон)[6].

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Навоий асарларини матншу-носликнинг назарий ва амалий муаммолари кесимида ўрганиш борасида салмоқли ютуқларга эришилган[7]. П.Шамсиевнинг Алишер Навоий

---

[1]Ali Şir Nevâyî. Hayretü'l-ebrar/ Hazırlayan: Prof. Dr. Tanju Oral Seyhan. – İstanbul, 2016. – S.725.

[2] Ali Şir Nevâyî. Münacât, Çihil hadis, (kırk hadis), Nazmü'l-Cevâhir, Kitâb-ı Sırâcü'l-Müslimîn/ Vahit Türk. – Ankara, 2017. – S.316.

[3] Ali Şir Nevâyî. Fevayidü'l-Kiber/ Hazırlayan: Önal Kaya. – Ankara, 1996. – S.743.

[4]Ali Şir Nevâyî. Hayretü'l-Ebrar/ Vahit Türk, Şaban Doğan. – Ankara, 2015. – S.328.

[5]Almaz Ülvi. Ədəbi duyğularım (portretlər, düşüncələr, qeydlər, söhbətlər) II kitab. – Bakı, «Nurlan», 2008. – S.426; Almaz Qasım qızı Binnətova (Almaz Ülvi). Azərbaycan – özbək (cığatay) ədəbi əlaqələri (dövrlər, simalar, janrlar, təmayüllər) – Bakı, «Qartal» nəşriyyatı, 2008. – S.326.

[6]Əlişir Nəvai Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında (məqalələr, toplusu)/Toplayanı, tərtib edəni və nəşrə hazırlayanı: Almaz Ülvi. – Bakı, «Qartal», 2009. – S.360.

[7] Сулаймонов Ҳ. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои: Дисс…докт. филол. наук. – Т.: ИЯЛАН РУз, 1961; Шамсиев П. Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» достонининг илмий танқидий матни ва уни

«Хамса»си, Ҳ.Сулаймоновнинг «Хазойин ул-маоний», С.Ғаниеванинг «Мажолис ун-нафоис», Ғ.Каримовнинг «Лайли ва Мажнун», М.Ҳамидованинг «Садди Искандарий», Ш.Шариповнинг «Лисон ут-тайр», М.Рашидованинг «Назм ул-жавоҳир», Ю.Турсуновнинг «Муншаот», Ҳ.Исломийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарлари устида олиб борган тадқиқотлари бунинг далилидир. Қ.Муниров, М.Ҳакимов сингари манбашунослар Алишер Навоий асарларининг мамлакатимиз фондларида сақланаётган қўлёзма ва тошбосма манбаларини тавсифлаш юзасидан эътиборга молик ишларни амалга оширдилар. Охирги йилларда бу йўналишда самарали тадқиқотлар юзага келди. Масалан, кейинги йилларда ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндалари асарлари матнининг ўзига хос тарзда ўрганилиши матний тадқиқ этиш усулларининг такомиллашаётганидан далолат беради[1].

Буюк мутафаккир асарларини нашр этиш, оммалаштириш йўналишида кўп хайрли ишлар қилинди. Аввал 15 жилдли, кейин 20 жилдли нашрлари ва ниҳоят 10 жилдли асарлари кирилл ва лотин ёзувида дунё юзини кўрди[2]. Бироқ шу пайтгача ўша нашрлардаги хато ва камчиликлар комплекс таҳлил

тузиш принциплари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т.: ЎзР ФАТАИ, 1952; Семёнов А.А. Описание рукописей произведений Навои, хранящихся в Государственной публичной библиотеке УзССР. –Т., 1940; Алишер Навои. Возлюбленный сердец. Сводный текст подготовил Кононов А.Н. – М.–Л., 1948; Шамсиев П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари: Филол. фан. докт. ... дисс. – Т.: ЎзР ФА ТАИ, 1970; Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986; Алишер Навоий. «Мажолис ун-нафоис». Илмий-танқидий текст. Тузувчи: Ғаниева С. – Т., 1961; Алишер Навоий. «Лисон ут-тайр». Илмий-танқидий текст. Тузувчи: Эшонхўжаев Ш.– Т., 1964; Алишер Навоий. «Мезон ул-авзон». Илмий танқидий текст. Тузувчи: Султонов И. – Т., 1949; Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Т.: Фан, 1983; Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Т.: Фан, 1974; Ҳамидова М. Алишер Навоий. «Садди Искандарий» достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи: Филол.фан. докт. ...дис. – Т.: ЎзФАҚИ, 1994.

[1] Эркинов А. Навоий «Хамса»си талқини манбалари (XV–XX аср боши). – Т.: Тамаддун, 2018; Эркинов А.Матншунослик ва манбашунослик асослари. – Т.: ХИА, 2019; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили.–Тошкент, Академнашр, 2011; Сирожиддинов Ш. Матншунослик сабоқлари. – Т.: ТошДЎТАУ, 2019; Сирожиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. – Т.: Академнашр, 2015; Турсунов. Ю. «Муншаот» асарининг матний тадрижи. – Т.: Мумтоз сўз, 2016; Жабборов Н. Фурқат асарларининг қўлёзма манбалари: Филол. фан. номз. ...дисс. – Т.:1994; Жўрақулов У. Алишер Навоий «Хамса»сида хронотоп поэтикаси: Филол. фан. д-ри ...дисс. –Т.: ТошДЎТАУ, 2017; Зоҳидов Р. «Сабот ул-ожизин» асарининг манбалари, шарҳлари ва илмий–танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари: Филол. фан. д-ри...дисс.– Т.: ТошДЎТАУ, 2018; Пардаев Қ. Муқимий шеърияти: матн тарихи, таҳрири ва талқини. – Т.: Муҳаррир, 2019; Муллахўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги. – Т.:, Академнашр, 2019; Шодмонов Н. «Шоҳиду-л-иқбол»нинг ўзбек бадиий-тарихий насри тараққиётидаги ўрни, манбалари ва матний тадқиқи: Филол. фан. докт. ...дисс. – Т.: ЎзМУ, 2009; Ўразбоев А. Огаҳийнинг тарихий асарлари лексикаси: Филол. фан.д-ри ...дисс. – Т.: ТошДЎТАУ, 2018; Омонов Қ. Туркий расмий услубнинг юзага келиши ва такомили (илк ва ўрта асрлар): Филол .фан. д-ри ...дисс. – Т.: ТДШИ, 2016; Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисолаларнинг қиёсий таҳлили: Филол.фан. д-ри....дисс. – Т.: ТошДЎТАУ, 2019; Юсупова Д. Алишер Навоий «Хамса»сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. – Т.: Мумтоз сўз, 2011; Қуронбеков А. Алишер Навоийнинг «Хамса» достонларида рамз ва тимсоллар. –Т.: ТДШИ, 2015; Салоҳий Д. Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий такомили (ғазаллар матнларининг қиёсий таҳлили асосида) : Филол. фан. докт. ...дисс. – Т.: ЎзРФА ТАИ, 2001; Жўраев Ҳ. Алишер Навоий лирикасида воқелик ва унинг поэтик талқинлари: Филол. фан. докт. ...дисс. – Т.: ЎзРФА ТАИ, 2008; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сирлари. – Т.: Ўзбекистон, 2014; Содиқов Қ. Матншунослик ва манбашунослик асослари. – Т.: ТДШИ, 2017; Жўрабоев О. Матннинг матности сирлари. – Т.: Тамаддун, 2017.

[2] Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. – Т.: 1963–1968; Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. – Т.: ФАН, 1987–2003; Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013.

қилинмади. Шунингдек, кейинги табдил ишлари сифатини кўтаришга кўмаклашувчи янгича мезонлар, тамойил ва усуллар белгиланмади.

Диссертация ишининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Адабий манбашунослик ва матншунослик кафедрасининг «Ўзбек адабий манбашунослиги ва матншунослигининг долзарб масалалари» мавзусидаги истиқбол режаси, ўзбек адабиёти тарихи ва фольклори кафедрасининг «Навоийшунослик тарихи» (2018–2020) илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Навоий асарлари матнини эски ўзбек ёзувидан жорий алифбога табдил қилишнинг замон талаблари даражасидаги илмий-амалий усуллари ва назарий-методик принципларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Навоий асарлари мисолида матншунослик нуқтаи назаридан табдил муаммолари таҳлилини бериш;

Навоий асарлари табдил матнини яратишда замонавий таҳлил усуллари аҳамиятини исботлаш;

шоир асарлари матнини табдил этишга хизмат қиладиган тамойилларни белгилаш, шу асосда муаммонинг амалий ечимига доир илмий-назарий хулосалар чиқариш;

Навоий асарлари матни мисолида глосс, статистик таҳлил, конъектура сингари матншуносликнинг тадқиқ усуллари самарадорлигини далиллаш;

шоирнинг ҳар бир асари табдилий матнини сатрма-сатр қайта текшириш орқали асарни оммага тўлиқ тушунтириш имкониятларини излаш.

Тадқиқотнинг объекти. Навоий асарларининг навоийшунос олимлар томонидан амалга оширилган табдил матнлари, шунингдек, шоир асарларининг йигирма жилдли «Мукаммал асарлар тўплами» (1987–2003) ва «Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати» (1983–1985) ҳамда Навоий асарларининг ўн жилдли «Тўла асарлар тўплами» (2013) шунингдек, қўлёзма фондлардаги шоир асарлари киритилган қўлёзма ва тошбосма манбалар тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини Навоий асарлари матнини эски ўзбек ёзувидан жорий алифбога табдил қилиш жараёнида қўлланадиган матншунослик усуллари ва тамойиллари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, структурал, глосс, конъектура, герменевтик, статистик тадқиқ усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шеърий матнни насрий баёнлаш, герменевтик, глосс ва конъектура усулларидан ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини эски ўзбек ёзувидан ҳозирги ёзувга табдил қилишда самарали фойдаланиш имкониятлари ва аҳамияти мисоллар асосида далилланган;

ижодкор асарлари матнидаги фонетик (қ – ғ: оқлиқ – оқлиғ, у – ноль: юрутачи – юртачи, г – в: чугуртка – чувуртка) ва шаклдошлик (I.савт – қамчи, II.савт – товуш, I.ҳанг – босиқлик, II.ҳанг – аскар) хусусиятлар ёритиб берилган ва илмий маълумотлар билан тўлдирилган;

Навоий асарлари матнидаги сўзлар статистик усул воситасида микротаҳлил қилиниб, улуғ шоир асарлари табдилидаги нуқсон ва камчиликлар мисоллар билан исботланган;

шоирнинг барча асарлари матнидаги тушунилиши қийин, изоҳли луғат ва асарнинг кейинги мукаммал нашрига тўлиқ илова қилинмаган сўз ва ибораларнинг матний маънолари белгиланган ва илмий истифодага олиб кирилган;

Навоийнинг 29 асари матни табдилини сатрма-сатр қайта кўриб чиқиш асносида матнни шарҳлаш ва изоҳлаш усуллари очиб берилган. Жумладан, 1) эквивалент йўли билан изоҳлаш; 2) маънодош сўзлар орқали изоҳлаш; 3) қисқа изоҳлаш; 4) кенгроқ изоҳлаш; 5) қомусий изоҳлаш; 6) зид маъноли сўзлар ёрдамида изоҳлаш ва шарҳлаш усуллари Навоий асарларининг жорий нашрлари асосида мисоллар билан далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Навоий асарлари табдилининг 50 йиллик натижаси бўлган йигирма жилдлик «Мукаммал асарлар тўплами»нинг матний хусусиятлари, оригинал матндан фарқли жиҳатлари ва нуқсонлари ўн етти гуруҳга ажратиб таснифланган;

Навоий асарларининг табдилларида учрайдиган тушунилиши қийин, аввал шарҳланмаган, шунингдек, ҳатто асар нашри бўйича тузилган кейинги луғатларда ҳам қайд этилмаган сўз ва иборалар аниқланган;

статистик тадқиқ натижасида АНАТИЛда изоҳланмаган Алишер Навоий асарларидан 5358 та, такрори билан 6082 та сўз ва ибора аниқланган ҳамда матний маънолари изоҳланган;

шоир асарлари матни табдилини амалга ошириш усуллари – назмий матнни насрий баёнлаш, матнни шарҳлаш, бадиий-диний таҳлил, герменевтик, айниқса, матн табдилида қўлланиши лозим бўлган илмий усуллар: статистик, глосс ва конъектура кенг таҳлил қилинган, уларнинг назарий-методик тамойиллари аҳамияти мисолларда кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги жаҳон олимларининг матншунослик соҳасида эришган ютуқларидан фойдаланилганида намоён бўлади. Шу билан бирга, Шарқ қомуснавислик анъаналаридан ижодий фойдаланган ҳолда ўзбек матншунослигининг матнни тиклаш ва табдил қилиш борасида йиғилган тажрибасининг уйғунлиги натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Алишер Навоий асарларини ҳозирги ўзбек ёзувига табдил қилишнинг илмий усуллари, назарий-услубий тамойиллари ишлаб чиқилгани билан соҳага оид илмий-тадқиқот ишларини такомил-лаштириш, табдил ишларини юқори савияга кўтариш, адабий манбашунос-

лик ва матншунослик муаммоларини тадқиқ этишда илмий-назарий манба сифатида истифода этилиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва тавсияларидан шунингдек, тадқиқот натижаларидан Навоий асарларининг янги нашрларини тайёрлашда, «Навоийшунослик» фани, Алишер Навоий асарлари тилининг мукаммал изоҳли луғатини тайёрлашда, матншунослик ва адабий манбашунослик бўйича бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги босқичлари талабаларига дарсликлар, ўқув қўлланмалар тайёрлашда, Навоий асарлари матний хусусиятларини ўрганиш борасидаги илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Навоий асарлари матни табдилини амалга ошириш усуллари, тамойиллари ва амалий масалалари тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Навоий асарлари матни табдили жараёнида матншуносликнинг усуллари, тамойиллари ва амалий масалалари бўйича олинган натижа ва хулосалардан ФЗ-2016-0915132102 рақамли «Шарқ ренессанси даври алломалари ва мутафаккирлари асарларининг илмий-фалсафий ва бадиий-лингвистик тадқиқи» (2016–2019) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 06.07.2020 йилдаги 01/01-632-сон маълумотномаси). Натижада Навоий асарлари матни табдилидаги муаммолар ҳамда Навоий қўлёзмаларининг жорий имлога табдили устида олиб борилган ҳаракатлар таҳлили, уларнинг шоир асарларини қайта нашр этишдаги ўрни ва бадийяти юзасидан таҳлил ишларини амалга ошириш имконини берган;

шоир асарлари матни табдилларида учрайдиган тушунилиши қийин, аввал шарҳланмаган, шунингдек, шоир асарлари матни табдилини амалга ошириш усуллари – матнни шарҳлаш, герменевтик, айниқса, матн табдилида қўлланилиши лозим бўлган илмий усуллар – глосс ва конъектура усуллари, уларнинг назарий-методик тамойиллари хусусидаги илмий-амалий хулосалардан ИТД-1-119 рақамли «Ўзбек адабиёти антологиясини инглиз тилига таржима қилиш ва адабиётлараро коммуникация муаммолари» (2012–2014) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 07.07.2020 йилдаги 89-03-2450-сон маълумотномаси); Натижада «Навоий» романини инглиз тилига сифатли таржима қилишда Навоий асарларининг жорий имлодаги табдилида учрайдиган кўплаб арабий, форсий сўз ва иборалар изоҳи ҳамда ғазаллар шарҳидан кенг истифода этиш имкони яратилган;

Навоий асарларини нашрга тайёрлаш, XX аср навоийшунослиги тарихи ва Навоий ижодида сўз тадқиқи борасидаги назарий хулосалардан ОТ-Ф8-151 рақамли «Адабиёт энциклопедияси» (2007–2011) мавзусидаги илмий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 07.07.2020 йилдаги 89-03-2450-сон маълумотномаси). Натижада «Адабиёт энциклопедияси» ва «Адабиётшунослик тарихининг фундаментал тадқи-

қи»да матн назарияси, бадиий матн ва манбаларни нашрга тайёрлаш ва айрим атама ҳамда истилоҳларнинг шарҳида ишончли маълумотлар берилишига эришилган;

шоир асарлари матни табдилларини амалга ошириш усуллари ва қўлёзмаларининг жорий имлодаги ҳолати ҳамда матний тафовутлар, матн ва мазмун мутаносиблиги, глоссарийлар, насрий баёнлар, ғазаллар шарҳи каби масалаларга оид назарий қарашлардан «Ўзбекистон тарихи» телеканалида туркум кўрсатувлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг 07.07.2020 йилдаги 02-40-730-сон маълумотномаси). Натижада, телекўрсатувларнинг сифати ошган, илмий-назарий маълумотлар билан бойитилиб, уларнинг илмий-оммабоплигини таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 халқаро, 6 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 52 та илмий иш, шу жумладан 1 та монография, 1та ўқув қўлланма, 1 та табдил, 1 та изоҳли луғат, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, хориждаги илмий журналларда 2 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва умумий ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 251 бетни ташкил этади. Шунингдек, 539 бетдан иборат луғат илова этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи асосланиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тадқиқот тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Навоий асарларининг ҳозирги ўзбек ёзувига табдили ҳолати ва муаммолари»** деб номланиб, шоир асарларининг XX асрнинг 40-йилларидан бугунги давргача нашр этилиш тарихи ва тарғиб этилиш усуллари, жорий ёзувга қилинган табдил ишларидаги ютуқлар, муаммо ва нуқсонлар таҳлил этилади.

Диссертациянинг *«Навоий қўлёзмаларининг жорий имлога табдили устида олиб борилган ҳаракатлар таҳлили»* деб аталган биринчи фаслида XX аср бошларидан Навоий даҳосини тарғиб этиш ҳаракатлари, илк нашрларда қўлланган усуллар, шоир асарларининг «Мукаммал асарлар тўплами»га ва кейинчалик «Тўла асарлар тўплами»га асос бўлган илмий

тадқиқотлар, табдил қилиш ишларининг тадрижан такомиллашиб бориш босқичлари таҳлил этилган.

Маълумки, ўзбек матнчилигида адабий манбаларни ўрганиш, жорий имлога табдил қилиш ва уларни нашр этиш билан боғлиқ катта салмоққа эга илмий ҳамда амалий тажриба тўпланган. Истиқлол шарофати билан мумтоз ёзувимизда битилган шоир асарлари нафақат кирилл алифбосида, балки лотин ёзувида ҳам ўз ифодасини топаётир.

Табдил «алмаштириш», «ўгириш» маъноларини англатади. Жаҳон матншуносligида табдилнинг «транскрипция» ва «транслитерация» деб аталувчи усуллари бор. Бу усуллар тор маънода бир ёзувнинг иккинчи бир ёзувга айнан ўзгартирилишига айтилади. А.Рустамов шундай ёзган эди: «Бир ёзувдаги матнни иккинчи бир амалдаги ёзувда кўчиришни шартли равишда ҳозирги илмда «транслитерация» (ҳарф кўчириш) дейилади. Аммо бу терминнинг асосий илмий маъноси бир ёзувдаги ҳарфларни иккинчи ёзувда айнан акс эттиришдир...»[1]. Табдил (транслитерация) кенг маънода эски алифбода битилган ўтмиш битикларини жорий алифбода китобхонларга етказиш усулидир. Ўзбекистонда Навоий асарлари транслитерацияси эски ўзбек ёзувидан кирилл ёзувига ўгириш ишларида кўринади.

Ўтмишда яратилган мумтоз асарларни табдил қилишда, энг аввало, матншуносликнинг бош мезони бўлган икки тамойилга асосланилди: 1) оммавий эҳтиёжлар; 2) илмий манфаатларга қаратилган ижтимоий талаб.

Матнни табдилга тайёрлаш, биринчи навбатда, асарнинг қўлёзма нусхалари устида ишлаш, уни тўғри ўқиш, айниқса, бадиий матн салоҳиятини англаш тадқиқотчидан кенг қамровли билим талаб қиларди. Хусусан, матншунос тадқиқотчи бадиий метод ёки ижодий метод тамойилларини тўлақонли равишда матний тадқиқ этиши лозим эди[2].

Навоий асарларини тарғиб этиш XX асрнинг 20-йиллари охирларидан бошланган бўлса, шоир асарлари матнини ўзбек халқига етказиш йўлидаги дастлабки тадқиқот ишлари, асосан, 1938 йилдан бошланган эди[3]. Унгача фақат 1928 йили нашр этилган «Ўзбек адабиёти намуналари» тўпламидан бошқа кўзга кўринарли бирор-бир тадқиқот иши мавжуд эмас эди[4]. Улуғ шоир асарларини тадқиқ этиш усуллари, энг аввало, матншуносликнинг тадрижий тараққиёти учун икки йўналишда хизмат қилиши назарда тутилди: 1) Навоий асарларининг мукаммал илмий-танқидий матнини тузиш ва шу асосда тўлиқ шарҳлар билан таъминланган шоир асарлари устида кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб бориш; 2) Навоий асарларининг жорий ёзувга табдилини амалга ошириш орқали кенг китобхонлар эҳтиёжини қондириш. Бироқ, давр тақозоси билан дастлабки ишлар илмий-танқидий матнлар тайёрлашдан эмас, балки табдил ишларидан бошланди. Чунки улуғ мутафаккир илгари сурган илғор ғояларни халққа етказиш, аммо, энг

[1] Рустамов А. Матнчилигимиздаги нуқсонлар//ЎзАС, 1982 йил, 3 сентябрь, № 36 (2672).
[2] Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг ижодий методи// Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1968. № 3. – Б.10.
[3] Шамсиев П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари: Филол. фан. докт. ...дисс. – Т.: ЎзРФА, 1969. – Б.1.
[4] Ўша асар. – Б.2.

муҳими, коммунистик мафкура шароитида Навоийни сақлаб қолиш, тузум пешволарининг Навоийга нисбатан ғаразли қарашларини йўққа чиқариш муҳим эди. Аммо Навоий асарлари матнини махсус тайёргарликка эга бўлмаган оддий китобхоннинг ўқиб англаши баъзи бир қийинчиликлар туғдирар эди. Бунга сабаб, орадан беш аср вақт ўтган, араб ёзувидан воз кечилган, Навоий асарлари матнидаги сўз ва ибораларни оддий «совет кишиси» тушуниши қийин эди. Шу сабабли, соҳир сўз санъаткорининг асарларини китобхонга тушунарли услубда етказишга эҳтиёж бор эди. Дастлаб Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини кенг нишонлаш муносабати билан «Хамса»нинг қисқартирилган варианти табдили, «Чор девон», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Маҳбуб ул-қулуб» асарлари матни табдили чоп этилди[1].

1938 йили Навоий анжуманини ўтказишга тайёргарлик кўриш муносабати билан шоир асарлари матнини нашр этиш, яъни «Хамса»ни насрий ифода, изоҳ ва луғатлари билан нашрга тайёрлаш ишлари бошланди. Навоий юбилейини ўтказувчи махсус комиссиянинг аъзоси бўлган академик Ғафур Ғулом тайёргарлик ишларида фаол иштирок этади. У (1940 йил) «Фарҳод ва Ширин» достонини насрий баёнлаш усули билан лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзувида нашрга тайёрлайди.

Шоир асарлари танқидий матнини тайёрлашга киришиш 50-йиллардан бошланди. Масалан, Навоийнинг «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» каби асарларининг илмий-танқидий матни матншунос М.Салье томонидан тузилиб, номзодлик диссертацияси сифатида ёқланди. Ўша йилларда туркийшунос олим А.Н.Кононов «Маҳбуб ул-қулуб»нинг йиғма матнини тузиб, нашр эттирди[2].

1987–2003 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти томонидан Алишер Навоийнинг кирилл ёзувига қилинган табдили 20 жилдлик «Мукаммал асарлар тўплами» номи остида эълон қилинди[3]. Алишер Навоий «Хамса»си таркибига кирувчи беш достон 2006 йилда асл матни ва мукаммал насрий баёни билан Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи томонидан лотин ёзувида нашр этилди[4]. Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги муносабати билан шоир асарларининг 20 жилдлиги эълон қилинди[5]. Шунингдек, «Хазойин ул-маоний» куллиёти таркибига кирувчи 4 девон ҳам нашрдан чиқди[6].

[1] Алишер Навоий: Адабиётлар кўрсаткичи. – Т., 1991.
[2] Ўша жойда. – Б.33.
[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. –Т.: Фан, 1987–2003.
[4] Алишер Навоий. Хамса. С.Айний томонидан қисқартириб нашрга тайёрланган. – Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 2006.
[5] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. –Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 1987–2003.
[6] Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний/Нашрга тайёрловчи О.Давлатов. – Т.: Тамаддун, 2011.

Афсуски, Алишер Навоий асарларининг ҳозиргача амалга оширилган нашрларига қанчалик кўп меҳнат ва илмий салоҳият билан ёндашилган бўлмасин, камчилик ва нуқсонлардан холи эмас.

Бунинг асосий сабабларидан бири – шоир асарлари табдилининг пухта тайёрланмаганлиги ва матннинг изоҳли луғати тўлиқ эмаслигидадир. Шуни таъкидлаш жоизки, совет даврида шоир асарларининг коммунистик тузум цензураси остида яратилган оммавий нашрлари ғоявий таҳрир ва мафкуравий қисқартириш билан нашр этилган эди. Шўро мафкураси диний мазмундаги матнларнинг берилишига йўл қўймас, Аллоҳ ёки Муҳаммад номи учраган ҳар бир сатр матндан олиб ташланар эди. Диссертацияда совет давридаги нашрлардаги қисқартишларнинг сабаблари, бунга эътироз билдирилган мақолалар таҳлил этилган.

Бобнинг иккинчи фасли *«Навоий асарлари нашрларида фонетик хусусиятлар ҳамда шаклдошлик ҳосил қилувчи сўз ва иборалар таҳлили»* деб номланади.

Навоий асарлари тили, унинг фонетик хусусиятлари ҳақида муайян тадқиқотлар мавжуд. Бироқ бу тадқиқотлар натижаларидан шоир асарларининг табдилларида унумли фойдаланилмади. Жиддий муаммолардан бири ҳозиргача транслитерация қоидаларининг йўқлиги, унификация масаласининг ҳал этилмаганидир. Матнчилик ҳар бир тадқиқотчидан илмий-танқидий матни яратилган асарнинг энг мўътабар ва ишонарли нусхасини аниқлаб олиш каби ишлар билан бирга уни қандай табдил қилиш, транскрипция ёки транслитерация йўлидан бориш бўйича аниқ тасаввур ва қарорга келишни талаб қилади. Навоий асарлари нашридаги нуқсонлар ўз вақтида олимлар орасида катта баҳс-мунозараларга сабаб ҳам бўлган эди[1]. «Ўзбекистон адабиёти санъати» газетасида 1983 йил бир неча ой давомида матнчилик ва матншунослик масалалари бўйича қизғин баҳслар бўлиб ўтган. Уларда ўзбек классиклари асарларининг нашри масалаларига бағишланган фойдали таклифлар ўртага ташланган эди. Аммо сал ўтмай, баҳсда кўтарилган муаммолар муаммолигича қолиб кетди. Мумтоз асарларни жорий алифбога табдил қилишдаги асосий тамойиллардан бири нашрда ҳозирги давр адабий тили меъёрига асосланилмай, балки анъанавий матншунослигимиз қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиш зарурийлигидир. Бу борада Е.Э.Бертельс, А.Н.Кононов, А.К.Боровков, А.Рустамов, Ҳ.Сулаймонов, П.Шамсиев, С.Иброҳимов, Ш.Эшонхўжаев каби етук матншуносларнинг бой тажрибаларига таянишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу нуқтаи назардан

[1] Рустамов А. Матнчилигимиздаги нуқсонлар//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 1982. № 37; Рустамов А. Нутқ одоби сабоқлари//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 1984. № 16; Ғаниева С. Матн типлари хусусида//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 1982. № 43; Ҳаққулов И. «Санамай саккиз» демайлик... //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –Т., 1998. № 8; Олимов С. Навоийни қисқартириб бўладими?//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –Т., 1988. № 7; Раҳмон В. Адабий идрок тантанаси//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 1998. № 4; Раҳмон В. Матншунослик: тажриба, интуиция ва масъулият/Ёшлик. – Т., 2015. № 2. – Б.38 – 42; Болтабоев Ҳ. Эртани деган кечани қўймас//ЎзАС, 1997 йил, 19 декабрь; Каримов Қ. Адабий мерос ва қўлёзмалар тақдири ҳақида//ЎзАС,1990, 21 февраль; Жумахўжа Н. Алишер Навоий асарларидаги «эп», «қалғай», «шух» сўзларининг маънолари ва матний хусусиятлари. http://nusratullaj-umaxoja.blogspot.com/2016/07/blog-post.html

олдимизда шоир асарларидаги сўз ва ибораларнинг матн транслитерация-сида тутган ўрнини тўғри баҳолаш вазифаси турибди. Бу борада, биринчи навбатда, XV асрнинг иккинчи ярмидаги эски ўзбек тилининг ҳолатига асосланиш; иккинчидан, Навоий асарлари бўйича нафақат матншунослик, балки тилшунослик нуқтаи назаридан амалга оширилган тадқиқотларнинг бой тажрибаларига таяниш лозим. «Навоий асарларида сингармонизм (товушлар уйғунлиги) «темир қонун» сифатида амал қилган. Бу нарса эски ўзбек адабий тилининг товушлар тизимини англашга ҳам имкон беради. Масалан, муаллиф келтирган мисолларда «йўғон» ўзак-негизли сўзларга масдар кўрсаткичининг -maq варианти қўшилади: quruqšamaq, aldamaq, qïstamaq, yalïnmaq сингари; «ингичка» талаффузли сўзларга эса -mäk варианти қўшилади: igirmäk, indämäk, sürkänmäk, örtänmäk каби. Кўринадики, Навоий асарлари тилида, қолаверса, эски ўзбек адабиий тилида орқа қатор, «йўғон» [а] билан олд қатор, «ингичка» [ä]нинг ҳар иккови мустақил фонемалар сифатида амал қилган»[1].

Навоий тилининг фонетик системаси ҳақида чет эл олимлари ҳам иш олиб борганлар. Масалан, Янос Эккман Ж.Дени таҳрири остида чиққан «Турк филологияси асослари» деган тўпламдаги «Чиғатой тили» деган ишида Алишер Навоий тилининг фонетик системасини ўқувчиларга фонетик система сифатида тақдим қилган[2]. Баъзи товушлар Алишер Навоий тилида қадимги турк тилида учрамайдиган позицияларда ҳам қўлланадиган ҳолатга келган. Алишер Навоий тилининг диалектал асосларини белгилаш учун шоир ва унинг замондошларининг тилини фонетик томонларигина эмас, балки грамматик, лексик ва стилистик, лозим бўлса, фольклор, этнография, шеър ўлчови томонларидан ҳам тўла ўрганиб чиқиш керак бўлади.

Навоий асарларидаги бадиий воситаларнинг бир қисми шаклдош, яъни бир-бирига шаклан ўхшаш сўзларга асослангандир. Шаклдошликнинг чегараси бор. Бу ҳол шоир асарларида тажнис санъати орқали содир бўлган. «Агар тажнис нооҳангдош тўлиқ ва тартибли янгроқдошликдан иборат бўлса, тажнис-и ноқис, тажнис-и мухталиф ё тажнис-и муҳарраф деб аталади. Масалан: «меҳр» билан «муҳр», «кел» билан «кул» сўзлари ноқис тажнис ҳосил қилади. Агар лафздош сўзларнинг биттасида бир фикрга кўра бир товуш, бошқа фикрга кўра бир ёки бир неча товуш ортиқ бўлса, унга тажнис-и зойил дейилади. Масалан, «зор» билан «озор», «жон» билан «жонон», «сана» билан «санам» сингари сўзлар зойид тажнис ҳосил қилади. Агар тажнис норавийдош лафздошликдан иборат бўлса, уни тажнис-и мутарраф деб атайдилар. Масалан, «шароб» билан «шарор», «барҳ» билан «барс»га ўхшаш сўзлар мутарраф тажнис ҳосил қилади»[3].

Сўзларнинг асл жавоҳирга айланишида бадиий шаклларнинг, тасвирий воситаларнинг, лафзий санъатларнинг ўрни беқиёс. Бироқ, Навоий асарла-

[1] Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн/Қ.Содиқов табдили. – Т.: Akademnashr, 2017. – Б. 9.
[2] Дониёров Х. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили. – Т.: Ғафур ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б.17 –18.
[3] Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 30–73.

рининг жорий табдилларида бу масалада ҳам оқсоқлик мавжуд. Ишда матншунос олимларнинг мулоҳазалари таҳлил қилинди. Таҳлил ишлари шуни кўрсатдики, Навоий асарлари матни табдилидаги фонетик ёки шаклдошлик муаммоларини ҳал этишда изчиллик етишмайди. Барча нуқсонлар билан бир қаторда араб алифбосидаги «зал», «за», «зод» ва «изғи» ҳарфларини битта «з» билан, «со», «си», «син», «сод»ни эса битта «с» билан «то» ва «итқи»ни битта «т», «ҳойи ҳутти» ва «ҳойи ҳавваз»ни битта «ҳ» билан ифодалаш ҳолатлари учрайди, чўзиқ унлилар қисқа унлилар билан ифода этилади.

Бобнинг учинчи фасли *«Сўз ва иборалар имлосидаги хилма-хилликлар таҳлили»* деб аталади. МАТ нашрларидаги нуқсонлар ҳар хил бўлиб, уларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

1. Матндаги бир қатор сўз ва сўз бирикмалари матншунос ёки ноширлар томонидан нотўғри фаҳмланган бўлиб, жорий ёзувга бошқача шаклда кўчирилган.

2. Матндаги бир гуруҳ сўз ва сўз бирикмалари ҳозирги ёзувга нотўғри ўгирилиши натижасида маъносиз шаклга айланиб қолган.

3. Бир қатор сўзларнинг ёзилишида ундошлардаги қаттиқлик ва юмшоқлик, жаранглилик ва жарангсизлик, унлилардаги лаб уйғунлиги қонунияти бузилган, яъни бундай сўзларнинг ёзилиши ҳозирги ўзбек адабий тили имлосига мослаштирилган.

4. Эски ўзбек тили имло қоидасига кўра, туркий сўзларнинг ўртасида келган алифнинг вазифаси, араб ва форс тилларидаги сўзлардан фарқ қилади[1]. Негаки, арабча сўзлар ўртасидаги алиф чўзиқ [ā] унлисини, форсча сўзлар ўртасидаги алиф эса, лаблашган [а] унлисини ифодалайди. Ноширлар бу қоидани ўзбекча сўзларга ҳам татбиқ қилганлар.

5. Сўз ўртасида келган алифнинг вазифаси бўйича туркий тил билан араб ва форс тиллари ўртасида фарқлар мавжуд[2]. Яъни, форсча сўзлар ўртасидаги алиф лаблашган [а] унлисини, арабча сўзлар ўртасидаги алиф эса чўзиқ [ā] унлисини ифодалайди[3]. Ноширлар арабча ва форсча сўзлардаги бу ҳолатни, яъни ҳозирги ўзбек ёзувидаги [о] унлиси ифодалашда бу қоидага риоя қилмаганлар.

6. Нашрда арабча сўзлар ўртасидаги фатҳали [а] унлиси (ҳозирги ўзбек алифбесидаги) [о] унлисини ифодалаган. Оқибат-натижада, сўзларнинг шаклида мавҳумлик юз берган ёки маъносига путур етган.

7. Табдил жараёнида сўзлар таркибидаги ҳ ундоши х ундошига айлантириб, имловий хатога йўл қўйилган.

8. Табдил жараёнида сўз таркибидаги х ундоши ҳ ундошига айлантирилиб, янглиш тушунилган ва бу билан имловий хатога йўл қўйилган.

9. Матнда бир қатор сўзлар жорий ёзувга нотўғри ўгирилган.

---

[1] Шукуров Ш. Алиф ва унинг вазифалари//Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1990.-№ 5. – Б.12–24.

[2] Шукуров Ш. XV аср ўзбек мунозаралари ва уларнинг нашрларидаги нуқсонлар хусусида//Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1993. -№ 2. – Б.30–36.

[3] Арабий ва форсий сўзлар ўртасидаги бу унли ҳозирги ўзбек ёзувида [о] ҳарфи билан ифодаланади.

10. Матндаги бир гуруҳ сўзлар ҳозирги ўзбек ёзувига турли имловий хатолар билан ағдарилган.

11. Матнни нашрга тайёрлаш асносида бир қатор сўзлар техник камчиликларга кўра ҳозирги ёзувга нотўғри ағдарилиши натижасида маъносиз шаклга айланиб қолган.

12. Изофий бирикмалар имлосига доир хатоликлар.

13. Нашрда арабча ал [ال] аниқлик артикули иштирокидаги изофий бирикмаларни ҳозирги ўзбек ёзувига ағдаришда ҳар хилликка йўл қўйилган.

14. Нашрдаги айрим лексикализация ҳодисасига учраган туркий, арабий, форсий сўз ва сўз бирикмалари ажратиб ёзилган. Оқибат натижада, унда сўзларнинг матндаги маънолари мавҳумлашган.

15. Нашрда айрим туркий, форсий, арабий сўз бирикмалари қўшиб ёзилган.

16. Транслитерация жараёнида сўзларнинг тушиб қолиши. Маълумки, табдилда бир ёки бир неча сўзнинг тушириб қолдирилиши муайян мақсад билан амалга оширилиши мумкин. Бироқ, ҳеч қандай мақсадсиз тушириб қолдирилган сўзлар матн мазмунини мавҳумлаштиради.

17. Тарихий шахс номларининг ёзилишидаги хатоликлар.

Диссертацияда нуқсонларнинг ҳар бир гуруҳига муфассал тўхталиб, мисоллар келтирилди ва таҳлил қилинди. Таассуфки, бундай нуқсонлар шоир асарларнинг 2013 йил «Ғафур Ғулом» нашриёти томонидан нашр этилган ўн жилдлик «Тўла асарлар тўплами»да ҳам такрорланган.

«Тўла асарлар тўплами»даги бир қатор сўз ва сўз бирикмалари матншунос ёки ноширлар томонидан нотўғри фаҳмланган бўлиб, жорий ёзувга бошқача шаклда кўчирилган. Натижада, бундай сўзлар ўз аслиятидаги кўринишини ўзгартириб, бошқа маънодаги сўзга айланиб қолган. Масалан, Навоий қўлёзмаларидаги ضما замо («бирор нарсани қаттиқ орзу қилмоқлик», «орзумандлик») сўзи «зол» шаклида ёзилиб, «қарилик», «ақлли чол», «пир» маъносига айланган [НШ, 126]. «Тўла асарлар тўплами» нашрларида Қуръони каримдан келтирилган طر فت العين тарфат ул-айн иқтибоси («Кўз очиб юмгунча», «У тарафдан бу тарафга қарагунча») – «турфат-ул-айн» тарзида ёзилиб, бошқа маънони ёки тушунарсиз маъноларни ифодалаган [ҒС, 245, 475, 514, 650], Ёки: صلا сало («чақириқ», «мурожаат»; «нидо») – «соло» тарзида нотўғри ёзилган [ҒС, 335], تبعيت табаъийят («қарамлик», «тобелик», «мутелик») – «табиат» шаклида битилиб, «борлиқ», «табиат» маъносини ифодалаган [ҒС, 94], Худди шунингдек, صيراف сайроф («сарроф», «заршунос») – «сайрот» [Мунш, 135], تخير тахйир («ихтиёр бериш», «эркинлик бериш») – «тағйир» [ҲА, 17], استكبار истикбор («ғурурланиш», «такаббурлик қилиш») – «истибкор» [В, 632], استنشاق истиншоқ («сув ёки ҳаво билан бурунни қоқиш»; «таҳорат вақтида бурунга сув олиш ёки бурунни чайиш учун сув ишлатиш») – «истиншоқ» [Сирож, 597], مخمور махмур (тасаввуфий маънода «маст», «кайфи ошган»; «хумор», «май бош оғриғи», «ширакайф») – «маъмур» [НШ, 290] тарзида нотўғри ёзилган.

Булардан ташқари, бу асар нашрларида ҳам тарихий шахс номларининг ёзилишида аниқ бир тамойилга асосланилмаган. Масалан, ўзига хос характерга эга араблар қабиласига мансуб Умайя авлодидан бўлган طفيل *Туфайл* исмли тарихий шахс номи нашрда «*туфайл»* [НШ, 370] кўринишида ёзилиб, унга бирон-бир шарҳ берилмаган.

Академнашрда имловий хилма-хилликларнинг кўп учраши шоирнинг айрим қўлёзма манбалари устида герменевтик таҳлил ўтказилмаганидадир. Қўлёзманинг герменевтик таҳлили устида ишлаш муаллиф ижодий имкониятларини тўлароқ англаш имконини беради. Профессор Нусратулло Жумахўжа 1989 йил ўзининг «Имло ва маданий мерос» мақоласида классик матнларга оид имло қоидаларини тартибга солиш учун матншунослик комиссияси тузиш таклифини ўртага ташлаган эди[1]. Дарҳақиқат, ушбу масала бугун ҳам жуда долзарб ва ўз ечимини кутмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Навоий асарлари табдили жараёнида матний тадқиқ этиш усуллари»** деб аталиб, уч фаслдан иборат. Унинг илк фасли *«Бадиий талқин: герменевтик ёндашув»* деб номланган. Унда герменевтик талқин, матний тадқиқ этишнинг глосс ва конъектура, статистик усуллари ҳамда диний талқин муаммолари таҳлилга тортилди.

Ишнинг «Бадиий талқин: герменевтик ёндашув» деб аталувчи биринчи фаслида навоийшуносликда бадиий матн талқини усули ва у билан боғлиқ масалалар ҳақида сўз боради. Бадиий матн таҳлили матнни синчиклаб ўқиш ва уқиш демакдир. Унда матннинг тагмаъно қатламларини очиш, матн моҳиятини чуқур англаб етиш, ҳатто матндаги ҳар бир сўз, ҳар бир ибора маъноларининг жилоси, ранги ва бадиий тафаккури ўз адабий ечимини топиши шарт. Бадиий матн таҳлили бадиий асар талқини асосига қурилади. Алишер Навоийнинг асарлари адабий герменевтик таҳлил усули асосида ҳам тадқиқ этилган[2]. Герменевтик таҳлилни ўзбек адабиётшунослигига олиб кирган адабиётшунос олим Афтондил Эркинов бўлди. Мазкур матний тадқиқ этиш усули матншунос олимлар томонидан ўз даврида ҳам ижобий баҳоланди. Кейинчалик ҳам бадиий асар матнини талқин этишда бу усулдан кенг миқёсда фойдаланилди. Бу соҳа таҳлил йўсинининг асосий назарий тамойиллари қуйидагилардан иборат: а) умумий контекстуал талқин тамойил-лари; б) шу соҳа доирасига кирувчи талқин усуллари; в) муаллиф назарда тутган аниқ мақсад ва мулоҳазаларга асосланган ҳолда матннинг тарихий-тадрижий ва ижтимоий-сиёсий шароитдаги ҳаёти, унда содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар ва унинг бошқа қўлёзма нусхалари таҳлили; г) муаллиф мантиқий фикр-мулоҳазалари маъноларини очиш; д) таҳлилда муайян матннинг юзага келишида бевосита ёки билвосита аҳамиятга эга бўлган прагматик имкониятларга ҳам асосланиш. Яъни қўлёзманинг яратилиш жараёни, муаллиф шахсияти ва ижодиётига доир

[1] Жумаев Н. Имло ва маданий мерос//Ёшлик журнали, 1989, №5. –Б.69–73.

[2] Қаранг: Эркинов А.С. Алишер Навоий «Хамса»си талқинининг XV–XX аср манбалари: Филол. фан. докт. ... дисс. – Т.: ЎзР ФА ҚИ, 1998. – 296 б.

биографик маълумотлар, асар муаллифининг услуби каби барча масалаларга таянишдир.

Берилган матннинг бадиийлиги, эмоционаллиги, таъсирчанлиги, тасвирийлиги ортида ижодкорнинг, у тегишли бўлган халқ ва умуман инсониятнинг фасоҳати, англаб етилган ёки англаб етилмаган фасоҳати замирида, минглаб авлодларнинг орзу-умидлари, тилаклари, эстетик дунёси, қалб манзаралари тасвири мужассам бўлади. Мана шуларнинг ҳаммаси герменевтиканинг бадиий тилга асосланган матн имкониятлари замирида ўрин топади[1]. Талқин китобхоннинг диди ва савиясига боғлиқ экани диссертацияда «Фавойид ул-кибар»нинг 343-ғазали ва «Ғаройиб ус-сиғар»нинг 115-ғазали талқини мисолида очиб берилди. Фаслда герменевтик талқин улуғ шоир асарлари матнининг бадиий, илмий, тарихий мавзудаги барча асарлари таҳлили учун энг маъқул усул экани асосланди.

Бобнинг иккинчи фасли «*Матний тадқиқ этишнинг глосс ва конъектура усуллари*» деб аталади. Бугунги кунга келиб матнни ўрганишнинг ўнлаб усуллари, методлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар матн табдилида ҳам муҳим ўрин тутади[2]. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб, халқаро миқёсда матнни конъектура, глосс ва статистик тадқиқ усуллари ёрдамида таҳлил этиш ҳам кенг қўллаб-қувватлаб келинмоқда[3]. Шунга қарамасдан, бу борада ўзбек матншунослигида ҳали айтилмаган гаплар кўп. Буни мумтоз адабиёт намуналарининг ҳозирги ёзувга ўгириш ишларига, табдил масалаларига текстологик тадқиқот сифатида қарамаслик тенденциясида кўриш мумкин.

Ўзбек матншунослиги ва адабий манбашунослигининг тамойиллари ҳамда усуллари Навоий асарлари матнини табдил қилиш жараёнига ҳам татбиқ этилиши мумкин. Фаслда Навоий асарларининг ҳар бир матни, асосан, *глосс ва конъектура* тушунчаларининг тарихий принципларига асосланиб, талқин этилди: 1) *матний тадқиқ этишнинг глосс усули.* Бу матний тадқиқ этиш усули матшуносликда жуда кенг тушунчаларни ифодалаб, кўпинча, «интерполяция» истилоҳи билан альтернатив равишда қўлланилади. Уларни қуйидаги ҳолларда бир-биридан фарқлаш мумкин. *Глосс* – бу муайян қўлёзманинг ҳошиясидаги ёки матн ўртасидаги қайдлар. Зеро, *глосс* қўлёзмадаги асосий матн билан қўшилиб кетмай, балки ундан

---

[1] Тожибоев М., Юсупова Ш., Бўриева Э. Адабий герменевтика ва мумтоз бадиий тил. – Тошкент: Университет, 2013. – Б.48.

[2]Бертелъс Е.Э. Вопросы методики подготовки критических изданий классических памятников литератур народов Ближнего и Среднего Востока.-В. кн.: Первая Всесоюзная конференция востоковедов. Тезисы доклодов и сообщений. – Т., 1957. – С. 13; Бертелъс Е.Э. К вопросу о филологической основе изучения восточных рукописей// Советское востоковедение. – М.,1 955. №3. – С.184; Лихачев Д.С. Некоторые новые принципы в методике текстологических исследований древнерусских литературных памятников. – Известия АСССР ОЛЯ, 1955.т. XIV, Вып. 5. – С.35, 477; Лихачев Д.С. По поводу статьи В.А. Черныха о развитии методов передачи текста. Исторический архив. 1956. №3, – С.508; Йўлдошев Б. Матнни ўрганиш лингвистик методлари. – Самарқанд: СамДУ, 2008 – Б. 90; Зубдату-т-таворих/Огаҳий (Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли); нашрга тайёр., сўз боши, изоҳ ва кўрсат. муаллифи Н.Жабборов. – Т.: O‘zbekiston, 2009; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Т.: Akademnashr, 2011.

[3] Сирожиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. – Т.: «Akademnashr», 2015; Содиқов Қ. Туркий матннавислик тарихидан. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т., 2000; Содиқов Қ. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. – Т.: «Akademnashr», 2017.

фарқлантириб, котиб томонидан бирор ўринни шарҳлаш учун ёзилган алоҳида қайддир. Интерполяция эса муайян асар матнига киритилган бўлиб, бу матн билан қўшилиб кетган қўшимча ҳисобланади. Матнга интерполяцияни хаттотнинг ўзи ҳам бевосита кўчириш жараёнида киритиши мумкин, бироқ кўпинча интерполяция хаттот кўчириб олган глоссни ифодалайди. Глосснинг асосий вазифаларидан бири матндаги тушунилиши қийин, аввал шарҳланмаган, шунингдек, ҳатто асар нашри бўйича тузилган кейинги луғатларда ҳам қайд этилмаган сўз ва ибораларнинг матндаги ўрнини аниқлаш ва шарҳлаш ҳамда уларни матнга илова қилишдан иборатдир.

Фаслда Навоийнинг барча асарлари матнидаги ана шундай тушунилиши қийин, изоҳли луғат ва асарнинг кейинги мукаммал нашрига тўлиқ илова қилинмаган глосслар таҳлил этилди.

Шоир туркий сўзлар билан биргаликда арабий, форсий лексик бирликлардан юксак даражада бадиий маҳорат билан фойдаланган. Афсуски, бундай сўзлар изоҳи, яъни глосслар на луғатда, на асарнинг сўнгги мукаммал нашрига илова қилинган. Ваҳоланки, бундай глосслар шарҳи матннинг тагмаъносини очишда ниҳоятда қўл келади. 2) *матний тадқиқ этишнинг конъектура усули.* Катта тажриба ва мантиқий фикр асосида, ҳатто аслиятга қиёсламасдан туриб ҳам асар нашридаги хато ва нуқсонларни аниқлай олиш ва уни муаллиф яратган матнга яқинлаштира олиш *конъектура* усули дейилади. Тадқиқотчи томонидан муайян асар матни бўйича асосли фикр-мулоҳазалар асосида тақдим қилинаётган илмий тузатишлар ҳам *конъектура* ҳаракатларига киради. Фаслда Навоий асарларининг табдилларидаги нуқсонларни конъектура йўли билан тузатиш матншуносликнинг вазифаси сифатида кўрсатилди ва мисоллар ёрдамида далилланди. .

Масалан, «Мажолис ун-нафоис» қўлёзмасидаги бир жумла нашрда «*...мажлисда назм тарийқида ҳамроз эрдилар ва наср услубида пуктапардоз*» *(113*) тарзида нотўғри ифодаланибди.

Ушбу жумладаги نکته پرداز *нуктапардоз* сўзининг ўрнида *пуктапардоз* бўлганлигини қўлёзмага қарамай туриб, конъектура усули билан, яъни мантиққа асосланиб ҳам аниқласа бўлади. Зеро, *нуктапардоз* – «чуқур маъноли сўзлар айтувчи», – деган маънони беради. Бу шубҳасиз матний маънони англатади. Ёки: *Ва масҳлиқ ва мабҳутлуқ оламин ҳам кўп таъриф қилурлар (121).*

Мазкур мисолдаги مسخلیق *масхлиқ* сўзининг ўрнида *масҳлиқ* ифодаланган. Буни тахминий ёки умумий фикрлар асосида фарқласа бўлади. Чунки *масхлиқ* – «ўзгариш», «қабиҳ суратга айланиш», «бир шакл ёки кўринишдан бошқа бир ёмонроқ шакл ва кўринишга ўтиш» каби маъноларни англатади. *Масҳлиқ* эса мумтоз матнларда қўл «билан уқаламоқ, қашламоқ» маъносини ифодалаб келади[1]. Бу маъно шубҳасиз матний маънога тўғри келмайди. Бундан ташқари, асар нашрида احفاد *аҳфод* – «набиралар», «авлод» (172)

[1]Фарҳанги забони точики (аз асри X то ибтидои асри XX). Т. 1. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – С. 653.

сўзининг ўрнида *ахфод*, اشتهار *иштиҳор* – «машҳурлик», «шуҳрат» (140) сўзининг ўрнида *иштҳори*; برکستوان *баргуствон* – «зириҳ»//«зирҳ»; «урушда яроқ ва ўқ ўтмасин учун от ёки филнинг устига ташланадиган ёпинчиқ» (30) сўзининг ўрнида *баргнуствон* тарзида нотўғри ифодаланган. Асар матнидаги бундай ҳолатларни ҳам конъектура ҳаракатлари ёрдамида тузатиш мумкин.

«Матний тадқиқ этишнинг статистик усули ва диний талқин муаммолари» деб номланган учинчи фаслда Алишер Навоий асарларида статистик методни қўллаш орқали унинг лексик бойлиги кўлами, шоир ижодида «сўз»нинг мақоми, сўз қоидасида шоир амал қилган қатъий интизом ва уни изоҳлаш муаммолари ҳақида гапирилади.

Навоий асарлари матни кўп маротаба тадқиқот объекти бўлишига қарамасдан, статистик усуллар қўлланмаган. Бу Навоий асарларининг бугунги кунгача тўлиқ илмий шарҳ ва изоҳлар билан тўлиқ таъминланмаганида ҳам кўринади. Б.Бафоевнинг Навоий асарлари лексикасига доир монографиясида шоир жами 26035 та сўз қўллагани ҳақида маълумот берилган[1]. Фаслда диссертант томонидан АНАТИЛда мавжуд сўзлар сони аниқланиб, унга оид статистикани 17075 та сўз деб қайд этади. Агар Бафоевнинг статистик маълумоти тўғри бўладиган бўлса, унда 8960 та сўз АНАТИЛга кирмаган бўлиб чиқади. Тадқиқот жараёнида Алишер Навоийнинг 29 та асари сатрма-сатр, қаторма-қатор статистик тадқиқ этиш усули воситасида ўрганилиб, шоир асарлари матнидаги 5358 та, такрори билан 6082 та сўз ва ибора АНАТИЛда қайд этилмаганлиги аниқланди. Ишда Навоий асарлари тилининг тўлиқ изоҳли луғатини яратиш ғояси илгари сурилади. Бу, биринчидан, шоирнинг барча асарлари матнидаги АНАТИЛда қайд этилмаган маъноси, шаклий ифодаси тушунарсиз ҳар бир сўз ва ибораларни аниқлаш ва уларни матндан ўтказиб юбормаслик, иккинчидан, Навоий асарлари маъно-мазмунини кенг китобхонлар давраси тўғри тушуниши ва англаши учун шароит яратиш билан боғлиқ. Матн табдили билан боғлиқ ишлардаги яна бир муаммо – *диний талқин* масаласидаги оқсоқлигимиздир. Кўп ҳолларда матннинг диний талқинлари ҳаммага маълум қолиплар асосида олиб борилади. Навоий шеъриятида чуқур маъноларни ўзида қамраган диний-фикрий муддаони теран англаш учун, аввало, тадқиқотчидан Қуръони карим оятларини яхши билиш, муайян диний билимларга эга бўлиш ва албатта, диний-тасаввуфий сўзларнинг истилоҳий маъноларини яхши билиш талаб этилади. Диссертацияда диний ривоятлар ва Қуръон оятларидан фойдаланган ҳолда «файз» сўзининг диний-сўфиёна истилоҳий маъноси мисоллар воситасида таҳлил қилинган.

Навоий ғазалиёти замиридаги ботиний хусусиятларнинг маълум бир қисми Пайғамбар мадҳ этилган ояти карималар таъсирида вужудга келган.

Диссертацияда «Ғаройиб ус-сиғар»нинг 114-ғазали диний таҳлилга тортилган. 9 байтли бу наът ғазал Пайғамбар ва унинг арзу само ичра азалий сурат ва маъно мутаносиблигига қай тарзда дахлдорлиги борасидаги

[1] Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Т.: Фан, 1983. – Б.157.

тасаввуримизни янада кенгайтиришда муҳим адабий омил бўлиб хизмат қилади.

Ғазалнинг бошидан охиригача маъно ва сурат мутаносиблиги – анбиё, саййид ул-мурсалин Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг сифатлари орқали аста-секинлик билан намоён бўла боради. Навоийнинг ушбу ғазалида нур – маъно, аслида суратдан олдин пайдо бўлган, яъни маъно бирламчи деган фикр илгари сурилган.

Улуғ сўз санъаткори сўз қоидаси борасида аниқ позицияга эга:

Ким оз деди нукта айшу ком ўлди анга,
Сўз қоидасида интизом ўлди анга...

Алишер Навоий бадиий матндаги ҳар бир сўзнинг бетакрор, пурмаънога эга бўлишига эришган улуғ сўз санъаткоригина бўлиб қолмай, балки ўзининг муназзаҳ (пок, латиф) туйғулари ва гўзал ташбиҳлари орқали ҳар бир сўзни маромига етказган:

Сўз зоҳир этар замир иши кўпрагидин,
Тил мухбир эрур кўнгул ниҳон эмгагидин,
Фаҳм айла киши ҳолини сўз демагидин,
Ким берди хабар ҳадиси кўнглидагидин [1].

Шоир асарларининг диний асосларини ўрганиш ҳам матн табдилида катта ўрин тутади. Диний қарашлар зимнидаги анъанавийлик, бу – муайян бир соҳанинг анъанавий-диний негиз аурасида келажакда тадрижий ривожлантирилиши, муваффақиятли бардавомлиги, янги-янги жиҳатлари инкишоф этилиши зарур бўлган руҳоний – диний ҳодиса ҳисобланади. Айни маънода, иш жараёнида шоир асарларининг диний қатламлари, ундаги матний-диний тагмаънолар изоҳ-шарҳлар билан таъминлансагина академ-нашрларнинг мукаммаллиги таъминланади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Навоий асарлари матнини табдил қилиш жараёнида матншунослик тамойиллари»** деб номланган бўлиб, унда Навоий асарларининг табдил матнини нашрга тайёрлаш ишларида ҳисобга олиниши зарур бўлган а) орфографик ва пунктуацион, фонетик хусусиятларни ҳисобга олиш тамойили; б) сўз тадқиқи тамойили таҳлил этилган. Бобнинг биринчи фасли матн табдилини тайёрлашда *«Орфографик ва фонетик, пунктуацион хусусиятларни ҳисобга олиш тамойили»*га бағишланган.

Алишер Навоий асарлари лексик таркиби туркий, форсий ва арабий сўзлардан таркиб топган. Маълумки, туркий ёзма ёдгорликлар тили, товуш тизими, хусусан, унлилар арабча ва форс-тожик тиллари унлиларидан миқдор жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам тубдан фарқланади. Матнчи буни ҳисобга олиши ва ҳар бир сўзнинг контекстдаги мазмунига кўра тўғри ўқиши шарт этиб қўйилади.

Туркий сўзлардаги унли товушларнинг ёзувдаги ифодаси бўйича ҳали жаҳон матншунослигида бир қарорга келингани йўқ. Бу ҳол Навоий асарларининг замонавий туркий тилларидаги табдилларда ҳам, хориж

[1] Алишер Навоий. Назм ул-жавоҳир. Мукаммал асарлар тўплами. 15-жилд. – Т.: Фан, 1999. – Б.168 –169.

олимларининг инглиз ва бошқа Европа тилларида олиб борган тадқиқотларида ҳам кўзга ташланади. Диссертацияда бугун табдил (транслитерация) соҳасида ягона унификацияланган қоидаларга эришишимиз мумкинми, деган масала муҳокамага олиб чиқилган. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис», «Муҳокамат ул-луғатайн» асарларида мумтоз ёзувимиздаги унлилар ҳақида қимматли маълумотлар берган. Масалан, шоир **а** унлисининг сифат хусусиятлари ҳақида қуйидагиларни баён этади. «... Ул жумладин бири, Алиф (ا) била ҳо (ه) орасида муносабат ва мушоракат берибдурларки, бир лафзни ҳам охири алиф лафз била қофия қилса бўлур. андоққи, «**ядо**» **(يدا)** лафазин «**садо**» (**صدا**) била қофия қилса бўлур, «**бода**» (**باده**) била ҳам қофия қилса бўлур»[1]. Шоир ушбу мисол ёрдамида эски ўзбек тилида иккита **а** унлиси, бири алиф (ا) белгиси орқали ифодаланувчи меъёрий чўзиқликка эга **а** товушини, иккинчиси ҳойи ҳавваз (ه) орқали ифодаланувчи, маъно ажратиш хусусиятига эга бўлмаган қисқа **а** унлиси мавжудлигини маълум қилмоқда. Навоий лабланган унли ҳақида сўз юритар экан, XV аср эски ўзбек адабий тилида тўртта мустақил фонема бўлганлигини таъкидлаб, қуйидаги мисолларни келтиради: «…**тўр** (**تور**)ки, домдур, яна **тўр** (**تور**)ки, андин дақиқ (ингичка)роқдурки: қуш ўлтурур йиғочдур ва **тўр** (**تور**)ки, андин дақиқроқдур: уйнинг тўридур ва **тўр** (**تور**)ки, барчадин ариқдур: тўрлуғни ё эшикни тўрмак уйдур[2]. Шоир XV асрдаги **и** унлилари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар қолдирган: «Ва **ёйий** мисол уч ҳаракатдин ортиқ топилмас: тер (**تير**)ки, термак маъниси биладир. **Тер** (**تير**)ки, андин дақиқдур, улдурки, сортлар они «арақ» ва «хўй» дерлар. **Тер** (**تير**)ки, боридин ариқдур, ўқ маъноси биладур»[3]. Бу мисоллар XV аср эски ўзбек тилида бир-биридан узун-қисқаликда фарқ қилиб, маъно ажаратиш хусусиятига эга учта **и** унлиси бўлганлигини кўрсатади. Агар бу маълумотларга шоир асарларидаги **қ, ғ** ундошлари ёнида келадиган қисқа **и** унлисини қўшилса (қыз, ғыл), XV асрда тўртта **и** товуши борлигини билиш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу тўртта **и** дан учтаси фонема ҳисобланади, чунки юқоридаги мисоллардан кўринишича, улар маъно ажратиш хусусиятига эга. Қолган биттаси (қисқа **и**) бу хусусиятдан мустасно. Бу унлилар ёнига ўша давр тилида мавжуд бўлган ўрта кенг **э** унлисини қўшсак, XV асрда қуйидаги унли товушлар бўлганлигини кўрамиз: 1) маддали алиф – чўзиқ **ä**; 2) оддий чўзиқликка эга **а;** 3) ҳойи ҳавваз орқали ифодаланган қисқа **а;** 4) оддий чўзиқликдаги **ў**; 5) биринчи даражали қисқа **у**; 6) иккинчи даражали қисқа **у**; 7) учинчи даражали қисқа **у**; 8) оддий чўзиқликка эга **и;** 9) қисқа **и**; 10) узун **и**; 11) **и**^{э} унлиси; 12) **э** унлиси.

Демак, Навоий асарлари тилида, яъни XV аср эски ўзбек тилида 12 та унли товуш бўлган. Улардан тўққизтаси фонема хусусиятига эга (**а, ў, у –** биринчи даражали қисқа, **у** – иккинчи даражали қисқа, **у** – учинчи даражали қисқа **и, и**^{э}**, и; э)** қолган учтаси (чўзиқ **ä,** қисқа **а** ва **и**) бу хусусиятдан

[1] Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Мукаммал асарлар тўплами. – Т.: Фан, 2000. – Б. 19.
[2] Ўша асар. – Б.19..
[3] Ўша асар. – Б.19.

мустасно. Бундан ташқари, ёзув ёдгорликлари тилидаги унли товушларнинг имлоси, айниқса, алиф **(ا),** вов (**و),** йо **(ى)** ҳарфларининг имлоси ва вазифаларини айрим туркийшунос олимлар ўз илмий мақолаларида бирма-бир батафсил таҳлил қилиб ўтишган[1]. Аммо кейинги тадқиқотлар мумтоз ўзбек тилида 12 та эмас 10 та унли борлигини тасдиқлайди[2]. Улар бир-биридан узун-қисқалик билан фарқ қилган: **а: - а, и: -и, у: -у, ў: -ў, э: -э**.[3]. Ундошлар эса 31 та бўлганлигини кўрсатади[4].

Ундошлилар имлоси. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарининг саккизинчи мажлисида Ҳусайн Бойқаро шеърияти ҳақида фикр-мулоҳаза юритар экан, ўзбек тилидаги ундошлар борасида қимматли маълумотлар бериб ўтади. Навоийнинг фикрича, эски ўзбек ёзувида йигирма учта ундош бўлган. Кўринадики, эски ўзбек тилида ўнта унли ва йигирма учта ундош бўлган. Демак, эски ўзбек ёзуви ўттиз битта ҳарфдан иборат. Аммо, луғатшунос Толе Имоний фикрича, эски ўзбек алифбоси ўттиз беш ҳарфдан иборат бўлган[5].

Товушларни адекват ўтказиш муаммоси олдимизга Навоий асарларини транскрипция усулида бериш афзалми ёки арабий ҳарфларни жорий алифбога ўтказиш маъқулми (транслитерация усули), деган масалада аниқ бир ечимга келишни талаб қилади. Жаҳон навоийшунослиги тажрибасини кузатадиган бўлсак, Туркияда бу масалада анча тажриба тўпланган. Хусусан, улар мумтоз адабиёт намуналарини ҳозирги турк ёзувига табдил қилишда қилишда деярли бир хил мураккабликдаги транскрипциядан фойдаланадилар. Уларни қуйидаги мисоллар воситасида кўрсатиш мумкин:

Cins-i beşer yoḳ āgehing ḫurşîd ḫāk-i dergehing
Kök mehd ara ṭifl-i rehing yitti ata vü tört ana [6].

Фаслда табдил ишларида пунктуация масалаларига ҳам эътибор қаратилган. «Тўла асарлар тўплами»нинг «Ғаройиб ус-сиғар» асаридан олинган эргаш гапли қўшма гап шаклидаги байтнинг берилишига эътиборни қаратайлик:

Навоий фироқингдин анингдек заиф ўлди,
Ки ўрнида эл боқса дегайлар магар йўқтур [7].

Нашрда биринчи мисранинг охирига вергул қўйилган, кейинги мисра эса «-ки» боғловчиси билан бошланган. Аслида «-ки» биринчи мисрадаги «ўлди» сўзига тегишли бўлиб, қўшма гап «Навоий фироқингдан шундай заиф бўлдики, агар унга эл қараса у йўқ-ку дейдилар» деган маънони англатади. Матндаги «-ки» мисра бошида келгани билан, уни алоҳида сўз дея қарамаслик жоиз: у инверсия, ўрин алмашиши ҳолатига кўра шу ерда

---

[1] Шукуров Ш. Эски ўзбек ёзуви имлоси//Ўзбек тили ва адабиёти. –Т., 1990.-№ 4. – Б.36–43; Шукуров Ш. Алиф ва унинг вазифалари//Ўзбек тили ва адабиёти. –Т., 1990.-№ 5. – Б.19–24; Шукуров Ш. Ҳойи ҳавваз ва унинг вазифалари//Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1991. -№ 5. – Б.20–25.
[2] Умаров Э. Долгота – краткость гласных в староузбекском языке. – Т., 209. – С.28.
[3] Умаров Э. Алишер Навоий унли ва ундошлар ҳақида. – Т., 2017. – Б.30.
[4] Ўша асар. Б. 30.
[5] Умаров Э. Эски ўзбек луғатлари. – Т., 1992. – Б.4.
[6] ‘Ālî Şîr Nevâyi. Fevāyidü’l-kiber.Hazirlayan Onal Kaya. – Ankara, 1996. – .S.5.
[7] Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. Тўла асарлар тўплами. – Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 2013. – Б. 171.

турибди; у эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. Шу туфайли вергул биринчи мисранинг охирига эмас, -ки дан кейин қўйилиши керак.
Ёки яна бир мисол:

Шаҳға бормиш бу навъ овоза,
Ки анинг базлиға йўқ андоза[1].

Бу байтда ҳам кейинги гап -ки билан бошланаётгани йўқ. У «овоза» сўзига тааллуқли бўлиб, вергул иккинчи мисрадаги -ки дан сўнг қўйилади. Бу гапнинг қурилиши шундай: «Шоҳнинг қулоғига шундай овоза етибдирки, гўё Масъуднинг тенги йўқ эмиш». Албатта, шоир асарлари матни табдилларида тиниш белгиларнинг, айниқса вергулнинг ўрни беқиёс. Зеро, бир вергул нотўғри қўлланилса матн маъноси бутунлай ўзгариб кетади:

Навоий, аҳли жунун зумрасиға кирди илоҳий,
Чу айладинг ани Мажнун, ўзингни қил анга Лайло[2].

Навоий асарлари матни табдилида сифатдош қўшимчасини олган туркий сўзларнинг талаффузи ҳам ўзгартирилган: қолғон, бўлғон, олғон сингари. Уларни қолған, бўлған, олған тарзида берилгани мақсадга мувофиқдир. Ҳолбуки, туркий тил тарихида сифатдошнинг -ғон қўшимчаси йўқ. У қан, -ган, -кан, -ған - шаклларида бўлган.

Алишер Навоий асарлари матнини ҳозирги ёзувга табдил қилишда тенг боғловчилар билан боғлиқ муаммолар бор. Зеро, шоир асарлари матни табдилида *-у* – форсча, *ва* эса араб тилидан қўлланилган. Араб тилида *-у, ва* боғловчилари ёзувда фарқланмайди, иккови ҳам «вов» ҳарфи билан ифодаланади. Шоир асарлари табдилларида улар боғловчи сифатида берилган. Натижада бу тарз матннинг мазмунга ҳам путур етган ўринлар мавжуд. Масалан, булар Навоий асарлари матни табдилларида «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» шаклида учрайди. Аслида эса уларни «Лайли-ю Мажнун», «Фарҳод-у Ширин» тарзида бериш табдил қоидаси талабидир. Айниқса, омографларнинг турли ўринларда турлича ўқилиши лозимлиги диққат эътиборда бўлиши лозим. Бироқ шундай амоформа, омофон ва омографлар ҳам борки, бир хил ўқилади ва бир хил ёзилади. Диссертацияда қатор мисоллар воситасида шаклдош сўзлар таҳлил этилган.

Бобнинг иккинчи фасли *«Навоий асарлари матнининг транслитерацияси жараёнида сўз тадқиқи тамойиллари»* деб аталади. Мумтоз адабиётга доир қўлёзма асарни нашрга тайёрлаш матншуносдан уни ҳар томонлама текстологик тадқиқдан ўтказиш билан бирга, матндаги ҳар бир сўзнинг китобхонга тушунарли бўлишини ҳисобга олган ҳолда иш олиб боришни талаб қилади. Бет остида ёки матн сўнгида нотаниш сўзлар луғати илова қилиб берилади. Навоий асарлари тили учун махсус изоҳли луғат яратилган. Шундан маълум бўладики, шоир асарлари матнини ўрганишнинг муҳим бир тамойили – бу, сўзни матн контекстидан келиб чиқиб тўғри талқин қилиш ва шарҳлаб беришдир.

[1] Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. Тўла асарлар тўплами. – Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 2013. – Б. 500.
[2] Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. Мукаммал асарлар тўплами. – Т.: Фан, 1989. – Б. 8.

Бундай тажриба туркий халқлар филология илмлари соҳасида мавжуд. Туркий манбалардаги сўз ва ибораларни тўплаш, уларни илмий изоҳлаш анъанаси XI асрда яратилган «Девону луғотит турк»ка бориб тақалади. Луғат муаллифи Маҳмуд ибн Ҳусайн Кошғарий ўз давридаги турли қабила уруғлари тилига мансуб сўз ва ибораларни йиғиб, келажак авлод учун нодир хазина қолдирди. Ўрта асрларда Маҳмуд Кошғарийга ўхшаш ишни Алишер Навоий бажарди. Зотан, улуғ шоир асарларида «Девону луғотит турк»да учраган кўплаб этнонимлар соф тилшунослик ва адабиётшуносликка оид атамалар билан бирга кенагас, қовчин, қўнғирот, чиғатой, барлос, қиёт, тархон, арлот, жалойир, чиют, туркман, найман, манғит ва бошқа туркий уруғ, элатларнинг номини такрор-такрор учратамиз[1]. Шунингдек, шоир асарларида халқ оғзаки ижоди намуналари, афоризмлар, ҳикматли сўзлар, араб мақоллари ҳам тез-тез учрайди. Демак, уларни адабий манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан чуқур тадқиқ этмасдан туриб, бошқа матний таҳлилларга тортиш мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, матншуносликнинг муҳим босқичларидан бири бўлган матн сўзлари тарихи, имлоси ёки маъноси тушунилиши қийин сўз ва ибораларни текширмасдан тадқиқотчида шоир назарда тутган фикр-мулоҳазалар ҳақида етарли даражада тасаввур ҳосил қилинмайди. Шундагина Навоий асарлари матнини тўлиқ англаш имконияти вужудга келади.

Матн табдилида сўз тадқиқи жиддий муаммо ҳисобланади. У шоир асарлари матнини мумкин қадар кенгроқ кузатиш имконини беради. Бунда икки фойда бор: биринчидан, аввало, Навоий ижодиётидаги сўз бойлиги миқдори ҳақида тасаввурни тиниқлаштирамиз; иккинчидан, бу бой ва улкан меросдан китобхон тўла-тўкис баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлади.

Диссертацияда ушбу йўналишда қуйидаги тамойиллар асосида иш кўрилди: а) маъноси тушунилиши қийин сўз ва ибораларни ҳар бир жилддан мисрама-мисра, қаторма-қатор ўқиш, қўлёзмага қиёслаш жараёнида йиғиш; б) сўз ва ибораларнинг адресати, статистикасини аниқ кўрсатиш; в) нашр ва луғатда имловий хатолар билан ёзилган сўз ва ибораларни қўлёзма асосида тузатиш; г) АНАТИЛда мавжуд бўлган айрим сўзларнинг фонетик вариантларини қайд этиш. Натижада тушунилиши қийин, нотаниш сўзларнинг АНАТИЛга кирмай қолиш сабаблари аниқланди. Улар қуйидагилардан иборат: 1) собиқ Иттифоқ даврида шўро мафкураси туфайли Навоий асарлари матнининг тўлиқ ва мукаммал нашри бўлмаган; 2) давр мафкурасига кўра айрим диний-тасаввуфий сўз ва атамалар луғатдан махсус тушириб қолдирилган; 3) маъноси аниқланмаган, тушунилиши қийин ёки изоҳлаш имкони бўлмай қолган сўз ва иборалар луғатдан тушириб қолдирилган; 4) нашрларда нотўғри ёзилган сўзлар тадқиқотчига маъносини изоҳлашга имкон бермаган; 5) сўзларнинг аслиятдаги шакли нотўғри ўқилганлиги оқибатида бундай сўз ва иборалар луғатдан тушиб қолган.

Ишда шоирнинг «Бадоеъ ул-бидоя» асаридан янги аниқланган сўз ва

[1] Бу ҳақда қаранг: Умаров Э.А. Навоий давридаги Ҳирот ўзбеклари тили//Адабий мерос. – Т. , 1986. -№ 4. – Б. 39–44.

ибораларнинг матний асослари таҳлил этилди. *Бобнинг «Навоий асарларига бағишланган луғатларнинг матн табдилини нашрга тайёрлашдаги ўрни»* деб номланувчи учинчи фасли матнни ишончли илмий луғат манбаларига таяниб ўқишнинг аҳамиятига бағишланган.

Алишер Навоий асарларини ўқиш жараёнида учрайдиган мураккаб, тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг маъносини тушунишга ҳаракат шоирнинг ўз давридаёқ бошланган бўлиб, туркий халқлар ва қўшни давлат туркий ҳукмдорлари фармойиши билан шоир асарларининг шарҳи сифатида бир қанча луғатлар яратилган. Мутафаккир асарларига махсус луғатларнинг тузилиши Навоийнинг ўз замонида ҳам кўпчилик учун оғирлик қилганини билдиради. Ҳиравийнинг «Бадоеъ ул-луғат, «Абушқа» (XV аср), Муҳаммад Яқуб Чингийнинг «Келурнома», Мирзо Меҳдихоннинг «Санглох», «Мабонеъ ул-луғот» (XVIII аср), Фатҳ Алихоннинг «Луғати атрокия» (XIX аср), Шайх Сулаймон Бухорийнинг «Луғоти чиғатойи ва турки усмоний» (XIX) луғати ва яна бир қанча сўзлик – луғатлар Навоий асарларини тушунишда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шоир асарлари тилига бағишланган мазкур луғатларнинг ҳар бири ўзига хос услубда, маълум мақсадларга қаратилган ҳолда тартиб берилган[1]. Бугунги кунда ҳам Навоий асарларини мутолаа қилишда, албатта, луғатларга мурожаат қилинади. Фаслда Навоий асарларига бағишланган луғатларнинг матн табдилини яратишдаги аҳамиятини ҳисобга олиб, уларни икки қисмга бўлиб кўриб чиқилган: 1. Шарқ мумтоз қомусий луғатларининг Навоий асарларини тушунишдаги ўрни ва аҳамияти. 2. Собиқ Иттифоқ давридаги Навоий асарларига бағишлаб яратилган луғатларнинг аҳамияти ва савияси.

Бизнинг кунимизгача етиб келган луғатларнинг машҳурлари сифатида «Бадоеъ ул-луғат», «Хамса бо ҳалли луғат», «Абушқа», «Санглох», «Луғати атрокия», «Луғати туркий», «Луғоти чиғатойи ва турки усмоний», «Ҳалли луғати «Хамса»йи Навоий», «Ҳалли луғоти чиғатойи «Хамса»йи Навоий», «Нисоби Навоий», «Луғати Амир Навоий»,«Дар баёни луғати Навоий», «Ҳалли луғоти чиғатой» каби қўлёзма луғат манбаларни санаб ўтиш мумкин[2].

«Бадоеъ ул-луғат» ёзув қоидасига шарҳ бериш ва талаффуз нормаларини белгилашга бағишланган бўлса, «Абушқа»да қадимги туркий сўзларга изоҳ берилиши амалга оширилган. «Санглох» ва «Мунтахаб ул-луғот»ларда сайланма, яъни матндаги тушунилиши қийин, нотаниш сўзлар шарҳланган.

---

[1] Боровков А.К. «Бадаи ал-лугат». Словарь Тали Имани Гератского к сочинениям Алишера Навои. – М.,ИВЛ, 1961; Умаров З.А. Грамматика староузбекского языка. «Мабани ал-лугат» Мирзы Мехдихана. АКД. – Т., 1967; Мухитдинов К. «Санглах» Мирзы Мухаммеда Мехдихана. АКД. –Т., 1971; Щербак А.М. Словарь Файзулла-хана. Грамматика староузбекского языка. – М. –Л., 1962; Ромаскевич А.А. Новый чигатайско-персидский словарь. – В сб. Мир Али-Шер. Л., 1928; Хафизова А. «Келурнаме» Мухамеда Якуба Чинги // «Советская туркология». Баку, 1973. № 3; Мухаммедов З.Б. Предворительные замечания о словаре «Халли лугати чигатаи». – В сб. Тюркская лексикология и лексикография. – М., 1971; Турсунов У., Ўринбаев Б., Алиев М. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т., 1995; Ҳасанов Б. Жавоҳир хазиналари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989.

[2] Ушбу қўлёзма луғатлар ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида № 7863, 9954, 6803, 3324, 5197 каби инвентар рақамлар остида сақланмоқда.

Албатта, мазкур луғатларнинг яратилиш тарихи, тузилиши принциплари луғатшунос, матншунос олимлар томонидан атрофлича ўрганилган[1].

Навоий асарларига замонамизда тузилган луғатларнинг биринчиси Порсо Шамсиев қаламига мансуб. Матншунос олим «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат»[2], «Навоий асарлари луғати»[3] каби қомуслар яратди. Кейинчалик АНАТИЛни тузишда ҳам улардан кенг фойдаланилди. АНАТИЛ Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг лексикология ва лексиграфия бўлимида (1983–85) тайёрланиб, нашр этилди. Мустақиллик йилларида Б.Ҳасанов томонидан «Алишер Навоий асарлари учун қисқача луғат»[4] яратилди**.** Бу луғатда иллюстратив мисоллар берилмаганлиги учун уни оммабоп луғатлар сирасига киритиш мумкин. Фаслда улардаги бу фарқли хусусиятлар таҳлил қилиниб, қомусий изоҳланган, этноним, этнотопоним, жуғрофий номлар тўрт гуруҳга ажратиб, назарий хулосалар чиқарилди.

Тўртинчи боб **«Навоий асарларини табдил қилишда изоҳлаш ва шарҳлашнинг назарий ва амалий масалалари»** деб номланади. Бобнинг биринчи фасли *«Сўзнинг бадиий матндаги вазифаси ёхуд тимсол тадрижи»* деб номланиб, Навоийнинг сўз танлашдаги маҳорати ҳақида сўз юритилиб, ҳар бир сўз поэтик образ сифатида жуда кенг маъноларни ўзида қамраб олишига эътибор қаратилган.

Бугунги кунда Навоий асарлари матнини ёки мумтоз адабиётимиз намуналарини турли талқинларда ўрганиш борасида жиддий изланишлар олиб борилмоқда. Бунда матнни замон талаблари даражасидаги Ғарб таҳлил усуллари, хусусан, *микроанализ имкониятлари* асосида тадқиқ этиш ҳам кўзда тутилади. Бу, ўз-ўзидан матнни шарҳлаш, изоҳлаш муаммосини кун тартибига қўяди.

Навоий асарларида шундай сўзлар борки, зоҳиран кишига маънолари тушунарлидек туюлса-да, бироқ ботинан ундай эмас. Фаслда «Хазойин ул-маоний»даги ана шундай айрим характерли сўзлар шарҳланган.

Навоий шеъриятида доимо шакл ва мазмун мутаносиблиги бир меъёрда бўлган. Мумтоз шеъриятдаги бундай бениҳоя гўзаллик-мукаммаллик, шаклий-маънавий мувозанат, айниқса, ундаги ботиний хусусият Навоий шеъриятига хосдир. Зотан, мумтоз шеъриятда маъно ва шаклнинг мутаносиблиги ҳамда тасвир ва тимсолнинг уйғунлиги муҳим аҳамият касб этади. Фаслда Навоий шеъриятида *бодом* тимсоли мисолида бадиий ғояни ифодаловчи, ҳам ботиний-рамзий, ҳам тасаввуфий маъно ташувчи поэтик образлар таҳлил этилди. Бобнинг иккинчи фаслида *«Сўз ва ибораларни мумтоз анъанавий усуллар билан изоҳлаш амалиёти»* масалалари

---

[1] Боровков А.К. «Бадаи ал-лугат» словарь Тали Имани Гератского к сочинениям Алишера Навои. – М., 1961; Мухитдинов К. «Санглах» Мирзы Мухаммада Мехдихана (исследование, комментарии, перевод и транскрипция). Автореф. дисс. … канд. филол. наук. – Т., 1971. – С. 17; Фаттохов Х. Мухаммад Риза Хоксор и его «Мунтахаб ул-лугат»: Автореф. дисс. … канд. филол. наук. – Т ., 1974. – С. 24; Ҳасанов Б. Жавоҳир хазиналари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1986. – Б.100.

[2] Шамсиев П., Иброҳимов С. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. – Т.: Фан, 1953.

[3] Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972.

[4] Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача луғат. – Т.: Фан, 1993.

очиб берилган. Ишда Навоий асарларида қўлланган сўзлар Шарқ мумтоз луғатчилигидаги машҳур изоҳлаш усулларидан бўлган: а) эквивалент (муқобил) танлаш йўли билан изоҳлаш; б) синонимлар билан изоҳлаш амалиёти; в) Сўзларни қисқа ва кенгроқ изоҳлаш амалиёти;г) умумий ва хусусий изоҳлаш каби амаллар орқали шарҳланган. Бу жараёнда ҳар бир усул туркий, форсий ва арабий сўзларга бўлиб кўрсатилган. Масалан, синонимлар билан изоҳлаш амалида шоир асарларидаги *кўзанак* كوزنك сўзи *сўзанак, ниначи* маънодошлари билан изоҳланади, арабча-форсча *ғуссабар* بر غصه сўзи маъноси форсча-ўзбекча *ғамли, қайғули* сўзлари билан очилади; арабча *юҳ* يوح сўзи *қуёш, офтоб* сўзлари билан изоҳланади.

Алишер Навоий асарларидаги сўзларнинг маълум бир қисми кенгроқ изоҳлашни талаб қилади. Ўтмишда сўз ва ибораларнинг маъноларини қисқа қилиб изоҳлаш мумкин бўлмаган ҳолларда Толе Имоний Ҳиравий ва Имом Маҳдихон сўзнинг ўзига хос аломатларини тушунтириш орқали батафсил изоҳлаш усулидан кенг фойдаланганлар.

Навоий ишлатган туркий *силкинчак* سيلكينچاك сўзи бунга мисол:

Не ҳуш уммидеким урён нигун қад бирла урсам так,
Париларға жунун туморидур бўйнумда ***силкинчак*** [НШ, 237].

С*илкинчак* – бўйинга тақадиган зебгардан ёки тумор маъносини ифодалайди деб шарҳланади. Изоҳларнинг яна бир аҳамиятли усули умумий ва хусусий изоҳлаш амалиётидир. Масалан, форсча *тамуз* تموز сўзи Алишер Навоий асарларида икки маротаба қўлланилиб, *жавзо ойининг жазирама вақти, саратон ойи; июль; ёзнинг иссиқ палласи; ёз* каби маъноларни ифодалаб келган:

Тамуз *ўтидин эрди оламға жўш,*
Сувлар айлабон қайнамақтин хуруш [СИ, 513].

Бу сўз умумий изоҳлаш усулига кўра *ёз* деб, хусусий *жавзо ойининг жазирама вақти, саратон ойи, июль; ёзнинг иссиқ палласи* деб шарҳланади. Ишда умумий ва хусусий изоҳланган сўзлар генетик жиҳатдан туркий, арабча, форсча сўзларга бўлиб таҳлил қилинган. Бобнинг учинчи фасли *«сўз ва ибораларни иқтибос келтириш йўли билан изоҳлаш»га* бағишланган.

Алишер Навоий асарларидаги сўз ва ибораларнинг катта қисмини диний-тасаввуфий сўз ва иборалар ташкил этади. Бунга сабаб, шоир асарларида асосий манба сифатида биринчи навбатда Қуръони каримга таянган, сўз ва ибораларни изоҳлашда, уларнинг луғавий ва мажозий маъноларини очиб беришда Қуръон оятларидан кўп мисоллар келтирган.

Хуллас, бугунги кун китобхонига, шунингдек, сано ва муножотлар, анъанавий шарафлаш иборалари, панду насиҳатларда учрайдиган арабча ва форсча киритмаларнинг маъносини тушуниш ҳам шарҳга ҳожат сезади. Фаслда иқтибос келтиришда Навоий тутган йўл ва бундаги бадиий маҳорати қатор мисолларда очиб берилган ва Навоий асарларининг кейинги оммавий ва илмий нашрларидаги шарҳ ишларида ҳисобга олиш учун тавсиялар берилган.

ХУЛОСА

1. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб навоийшунослик янада сермаҳсул ишларни амалга оширди. «Хамса»нинг мукаммал матни табдили (Порсо Шамсиев, 1960), «Хазойин ул-маоний»нинг академик табдили нашри (Ҳамид Сулаймонов, 1959–1960) ва Алишер Навоий асарларининг кўп жилдли нашрлари навоийшуносликдаги муҳим воқеалардан бўлди. Улардаги камчилик ва нуқсонларнинг бир неча объектив ва субъектив сабаблари бор: 1) шоирнинг кўп жилдли асарларидаги маъноси тушунилиши қийин, нотаниш форсий, арабий ва улар билан боғлиқ диний-фалсафий, сўфиёна тушунчаларни ифодаловчи киритмалар тузум мафкураси тазйиқи остида махсус ўрганилмади; 2) сўзларнинг аслиятдаги шакли нотўғри табдил қилиниши оқибатида кўплаб сўз ва иборалар тушунарсиз бўлиб қолган; 3) тадқиқотлар шуни кўрсатадики, нуқсонларнинг яна бир неча сабаблари бор: Биринчи сабаб эски ёзувларнинг тилдаги товушларни тўлиқ ва аниқ акс эттирмаслиги; ўзбек тилининг мукаммал тарихий изоҳли ва орфографик луғатининг йўқлиги. Иккинчи сабаби, матнга нисбатан бепарволик, масъулиятсизлик, мазмунга эътибор бермаслик, фан ютуқларини ҳисобга олмаслик; текстологик ожизлик, тил ва услубни, хусусан, поэтикани билмаслик ва билишга ҳаракат қилмаслик, эски ёзувларни яхши билмаслик, график хусусиятларни фонетик хусусият деб тушуниш, бир тил хусусиятини иккинчи тилга механик равишда кўчиришдир.Учинчи сабаби, мумтоз асарларни жорий алифбога табдил қилишдаги асосий тамойиллардан бири бўлган – нашрда ҳозирги давр адабий тили меъёрига эмас, балки анъанавий матншунослигимиз қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиш принципи бузилди.

2. Навоий асарларини табдил қилиш икки тамойилга асосланади: а) орфографик ва пунктуацион, фонетик хусусиятларни ҳисобга олиш тамойили; б) сўз тадқиқи тамойили. Навоий асарлари матнини табдил қилишда қуйидаги матншунослик талаблари ва тартиб-қоидаларига риоя қилиниши тавсия этилади: 1) мумтоз асарлар тили бўйича тузилган луғатларнинг бой тажрибасига таяниш; 2) матннинг мазмунидан келиб чиқиш; 3) қўлёзмага таяниш; 4) байтлардаги вазн, ички-ташқи қофия талабидан келиб чиқиш; 5) эски ўзбек тили меъёрларига амал қилиш; 6) бадиий услуб талабидан келиб чиқиш; 7) қўлёзманинг ўзига хос ёзув хусусиятларидан келиб чиқиш; 8) араб хат турларига хос ёзув усулларини ҳисобга олиш; 9) матн ички мантиқига асосланиш.

3. Герменевтик талқин улуғ шоир асарлари матнининг бадиий, илмий, тарихий мавзудаги барча асарлари учун ҳам жорий қилиниши мақсадга мувофиқдир. Герменевтик таҳлил матншунослик тадрижий тараққиёти учун икки йўналишда хизмат қилади: а) Навоий асарларининг мукаммал илмий-танқидий матнини яратиш; б) тўлиқ изоҳ-шарҳлар билан таъминланган шоир асарлари илмий ва илмий-оммабоп нашрларини амалга ошириш.

4. Жаҳон матншунослигида матнни замонавий усуллар воситасида тадқиқ этиш ўз эътирофини топган бўлса-да, ўзбек матншунослигида

улардан самарали фойдаланилганича йўқ. Хусусан, мумтоз матнни, айниқса, янгича *глосс ва конъектура* усуллари воситасида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Айни шу маънода, Навоий асарлари матни илк бора *глосс ва конъектура* усуллари ёрдамида тадқиқ этилди. Бундан ташқари, шоир асарлари матнларидаги бундай хусусиятларлар изоҳ-шарҳлар билан тўлиқ таъминланди. Бу усуллар Навоий асарларидан бошқа мумтоз асарлар учун ҳам жорий қилиниши муҳим илмий аҳамиятга эгадир. Бу билан мумтоз асарлар тараққиётининг ўзига хос йўлини аниқлашга ҳаракат қилинади.

5. Навоий асарлари матни табдилида статистик усуллардан кенг ва унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Навоий асарлари матни кўп маротаба матний тадқиқот объекти бўлишига қарамасдан, статистик усуллар асосида тадқиқотлар олиб борилмади ва буни бугунги кунгача илмий шарҳ ва изоҳлар билан тўлиқ таъминланган Навоий асарлари тўплами ёки АНАТИЛнинг такомиллаштирилган варианти йўқлигида ҳам кўрамиз. Статистик тадқиқ этиш усули натижасида Алишер Навоийнинг 29 та асарида АНАТИЛга кирмай қолган 5358 та, қайтариғи билан 6082 та сўз ва иборалар аниқланиб, шарҳланди ва эски ўзбек тилида мавжуд унли ва ундошлар тизимига мувофиқлик даражаси аниқланди.

6. Шоир асарларида учрайдиган шаклдош сўзлар ҳам каттагина қисмни ташкил этади ва тадқиқотчи эътиборидан четда қолмаслиги лозим. Уларнинг матнлардаги шаклий-маънавий хусусиятлари тилшунослик илми асосида алоҳида белгилаб олишни тақозо этади. Бир сўз билан айтганда, табдилда фонетик вариантдош сўз ва ибораларни таҳлил этишда эски ўзбек адабий тили меъёрларига амал қилинишини таъминлаш учун матншунослик, ўзбек тили тарихи, шунингдек, адабиётимизнинг айрим мумтоз намояндалари асарларининг аслиятдаги тил хусусиятлари ва олдинги асрларда яратилган луғатлар эътиборга олиниши лозим.

7. Алишер Навоий асарларидаги сўз ва ибораларнинг муайян қисмини диний-тасаввуфий сўз ва иборалар ташкил этади. Шоир ўз асарларида Қуръони каримга таянган, сўз ва ибораларни изоҳлашда, уларнинг луғавий ва мажозий маъноларини очиб беришда Қуръон оятларидан кўплаб мисоллар келтирган. МАТда келтирилган уч юздан ортиқ ояти карима китобхон учун нотанишлигича қолган. Улар АНАТИЛда ҳам изоҳланмаган. Уларни тушунтириб бориш китобхонни қийналмасдан улуғ шоир фикрларини англашга, тадқиқотчига эса, Навоийнинг оятларни беришдаги ўзига хос новаторлигини қайд этишига ёрдам беради. Навоий ижодиётида Қуръон оятларидан иқтибос келтириш бир неча кўринишларда учрайди: а) муайян оятнинг айнан кўчирмаси; б) оятнинг бир қисми келтирилади; в) баъзан бир неча оятларда келадиган асосий сўз ёки сўзларни бириктириб ҳам муқаддас калом сифатида келтириш ҳоллари учрайди; г) Навоий асарларида Қуръондан келтирилган бир оятдан фақат бош қисмини келтириш шаклларида учрайди. Бундай ёндашув шоирнинг замондошлари учун изоҳталаб бўлмагани тушунарли, аммо ҳозирги замон ўқувчисига уни тушуниш оғир. Ишда шундай ҳолатлар таҳлил этилди ва айрим мисолларда кўрсатилди.

8. Навоий асарларида ҳадислардан ҳам кўплаб иқтибос олиш ҳоллари мавжуд. Бунда ҳадисдан баъзан тўла, айрим ҳолларда қисман иқтибос келтирилади. Уларнинг ҳадис эканлигини китобхон тайёргарликсиз илғай олмайди. Шу ерда уларни изоҳлаб бориш муҳимдир. Алишер Навоий асарларида АНАТИЛда тушунтирилмаган мингдан ортиқ ҳадислар учрайди. Шунингдек, Алишер Навоий асарларидаги уч юзга яқин ҳикматлар АНАТИЛда қайд этилмаган. Ишда улар бўйича кузатув олиб борилди ва таҳлил ишларига тортилди. Иш жараёнида шоир асарлари матнининг *диний қатламлари,* ундаги матний-диний тагмаънолар шарҳ-изоҳлар билан таъминланди. Уларнинг матний-диний маънолари қуйидаги тамойиллар асосида шарҳланди: 1) матн мазмунидан келиб чиқиб, луғавий ва шаръий маъноларини бериш; 2) қўлёзма билан нашр [МАТ]ни қиёслаш; 3) Қуръони карим аслиятига асосланиш ва қиёслаш; 4) «тафсир»ларга таяниш ва солиштириш; 5) ҳадисларга асосланиш ва чоғиштириш; 6) диний мақол ва ҳикматлар мазмунига таяниш; 7) фиқҳ илмига асосланиш; 8) диний-тасаввуфий манбаларга таққослаш; 9) тасаввуфий луғатларга муқояса қилиш.

9. Мумтоз қомуснавислик анъаналарига таянган ҳолда Навоий асарлари матнида учраган ва АНАТИЛда изоҳланмаган, тушунилиши қийин сўз ва ибораларни шарҳлашда изоҳлашнинг бир неча усуллари қўлланди. Хусусан, луғатга кирмай қолган сўзларни изоҳлашда қуйидаги анъанавий усулларидан кенг фойдаланилди: а) эквивалент (муқобил) танлаш йўли билан изоҳлаш; б) маънодошлар билан изоҳлаш; в) қисқа изоҳлаш; г) кенгроқ изоҳлаш; д) умумий ва хусусий изоҳлаш; е) қўшимча форсча сўзлар келтириш усули билан изоҳлаш; ё) Қуръон ва диний-тасаввуфий манбалардан иқтибос келтириш йўли билан изоҳлаш. Шунга кўра, шоир асарларидаги АНАТИЛга кирмай қолган, тушунилиши қийин сўз ва ибораларнинг матний маъноларини бир-биридан фарқлаш, аниқ ва лўнда изоҳлаш мақсадида қуйидаги лексикографик тамойилларга қатъий риоя қилинди: 1) анъанавий луғат тузиш тажрибасига асосланиш; 2) тарихийликка асосланиш; 3) мантиқийликка асосланиш; 4) диний-тасаввуфий манбаларга асосланиш; 5) матний маънога асосланиш.

10. Навоий қўлёзмаларининг жорий имлодаги табдили устида олиб борилган илмий изланишларимиз натижалари шуни кўрсатади: 1) табдил ишларида транслитерация ва транскрипция бўйича ягона қоидаларнинг ишлаб чиқилиши давр талабидир. Ушбу масала мунозарали эди ва шундайлигича қолмоқда; 2) табдилда фонетик вариантдош сўз ва ибораларни таҳлил этишда матншунослик, ўзбек тили тарихи, шунингдек, адабиётимизнинг айрим мумтоз намояндалари асарлари тилига оид илмий ишлар асос бўлиб хизмат қилади; 3) МАТда шаклдошлик ҳосил қилувчи сўзларни матнлараро қиёсийликда тадқиқ этишда аслият ва луғат манбалар муҳим ўрин тутади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ

АБДУЛХАЙРОВ МАНЗАР ХУСАНОВИЧ

МЕТОДЫ, ПРИНЦИПЫ И ПРАКТИЧЕСКАЯ ТРАНСЛИТЕРАЦИЯ ТЕКСТОВОГО СОЕДИНЕНИЯ ПРОИЗВЕДЕНИЙ НАВОИ

10.00.10 – Текстология и литературное источниковедение

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора филологических наук(DSc) была зарегистрирована за номером B2017.2.DSc/Fil65 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои.

Автореферат диссертации на трех (узбекский, русский и английский) языках размещен на веб- страницеНаучного совета (www.navoiy-uni.uz) и информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:	**Сирожиддинов Шухрат Самариддинович** доктор филологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Муҳиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович** доктор филологических наук, профессор
	Эркинов Афтондил Садирханович доктор филологических наук
	Шодмонов Нафас Намозович доктор филологических наук, профессор
Ведущая организация:	**Ташкентский государственный универ-ситет востоковедения**

Защита диссертации состоится «7» сентября 2020 года в 10[00] часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои. (Адрес: 100100, Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуфа Хос Хажиба, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

С диссертацией можно познакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои. (зарегистрирована за номером 14). (Адрес: 100100, Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуфа Хос Хажиба, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Автореферат диссертации разослан «25» августа 2020 года.
(Протокол реестра рассылки 14 от «25» августа 2020 года).

Н.А.Жабборов
Заместитель председателя Научного совета на основе совета по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, профессор

Қ.У.Пардаев
Ученый секретарь Научного совета на основе совета по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, доцент

Н.А.Жабборов
Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Появление во всем мире со второй половины XX века новых подходов и парадигм в области филологических исследований породило в свою очередь широкий подъем литературно-исследовательской деятельности среди ученых этой сферы, которые стали строго придерживаться и соблюдать меры в процессе изучения литературных текстов, делая различение текстов по их контексту в отношении их междисциплинарных направлений. Их стали подразделять по следующим критериям, таким как лингвистические, философские и художественные интерпретации, что непосредственно привело к ряду новых методов исследований, таких как герменевтика, синергетика, семиотика, которые стали иметь важное значение при филологических исследованиях. Это особенно заметно за последние годы, когда публикация источников, вбирающих в себя информацию о многовековой культуре и национальных ценностях нашего народа, а также произведения наших великих мыслителей и поэтов прошлых веков, становятся бесценным достоянием современности, оказываясь востребованными нашими соотечественниками, и что очень важно – многие читатели, не останавливаясь на ознакомлении имеющихся у них первоисточников, проявляют еще интерес и к другим древним первоисточникам и старинным публикациям.

Следует отметить, что, во-первых, в мировой филологической науке все еще в полном объеме и всесторонне не проанализированы уже изданные публикации, в которых не устранены все их ошибки и упущения. А изучение этих работ требует глубоких исследований, что доказывает их актуальность. Во-вторых, если встает необходимость в исследованиях этих публикаций, то в будущей конверсионной работе непременно нужно опираться на новые методы, критерии и принципы, подразумевающие основные цели таких исследований. Семиотика художественной литературы, синергетический анализ, герменевтический анализ, использование статистических методов восстановления текстов, «конъектура», «глоссы» и «интерполяция» – все это входит в текущие задачи планов исследовательской работы не только сегодня, но и будущем. В данном случае наше исследование посвящается вопросу о выявлении эффективной значимости конъектурных, глосс-методов и статистических методов исследований в транслитерации текста произведений Алишера Навои. Необходимость изучения произведений Навои исходит от их востребованности в наше время, что влечет за собой открытие новых путей и способов для их исследования, что дает возможность для их широкого целевого использования.

Одним из приоритетов государственной политики Республики Узбекистана является особое внимание, которое уделяется узбекской литературе в целом. Здесь приведем следующие слова Президента Узбекистана: «...уделять особое внимания научным исследованиям в области текстовой литературы, литературных источников, лингвистики, философии, истории культуры, которые направляются для выявления многих неисследованных

слоев нашего национального культурного наследия»[1]. В связи с этим транслитерация произведений Навои со старой узбекской письменности на современный алфавит, радикальное улучшение уровня и качества этих произведений, разъяснение устаревших тюркских слов, встречающиеся в текстах, интерпретация иностранных слов и религиозных терминов, транслитерация вариантов преобразования материала тестов на основе новых принципов и методов – все это является одним из самых актуальных проблем в области текстологии и литературного источниковедения. Следует заметить, что последнее издание «Полного собрания сочинений Алишера Навои», состоящее из 10 томов ничем не отличается от 20-томного «Полного собрания сочинений Алишера Навои». И всем известно, что в этих двух собраниях сочинений Навои имеются много недостатков и упущений, имеющие важное значение в плане трудного понимания современным читателем содержания древних текстов Навои, написанных поэтом в его эпоху, следовательно возникает проблема проводить и развивать исследования и тех произведений, включенных в эти уже два раза изданных в многотомных изданиях Навои.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, изложенных в Указах Президента Республики Узбекистан № PF-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»; № PP-2789 от 17 февраля 2017 года «О деятельности Академии наук, организации научных исследований, о мерах по дальнейшему совершенствованию управления и финансирования»; № ПП-2009 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», а также в Резолюции № PQ-2995 от 24 мая 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы сохранения, исследования и популяризации древних письменных источников» и в других нормативных актах.

Соответствие исследований приоритетам по развитию науки и техники республики. Исследование диссертации проводилось в рамках приоритетного направления развития науки и техники республики. I. «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социально-правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии развитого общества и демократического государства».

Обзор зарубежных исследований по теме диссертации[2]. Работа, связанная изучением текстов произведений Алишера Навои и их транслитерацией была проведена целым рядом ведущих исследовательских центров и высших учебных заведений во всему миру, в том числе

[1] Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-2995. «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы сохранения, исследования и популяризации древних письменных источников» / Народное слово. 2017. 25 мая.

[2] Обзор зарубежных исследований по теме диссертации подготовлен на основе сайтов www.sorbonne-universite.fr, www.uni-leipzig.de, www.hu-berlin.de, www.lang.ox.ac.uk, www.u-tokyo.ac.jp, www.bsu.edu.az, www.msu.ru, www.iv-ran.ru, www.spbu.ru, www.istanbul.edu.tr, www.jnu.ac.in, www.ku .edu.af, www.pnu.ac.ir, www.navoiy-uni.uz, www.beruniy.6te.net, www.tai.uz и другие источники.

Лейпцигским университетом, Университетом Гумбольдта (Германия), Оксфордским университетом, Кембриджским университетом (Великобритания), Токийским университетом иностранных языков (Япония), Московским государственным университетом стран Азии и Африки, Санкт-Петербургским государственным университетом (Россия), Институтом языка и литературы им. Низами, Академией наук Азербайджана, Бакинским государственным университетом (Азербайджан); Стамбульским университетом (Турция), Университетом Анкары (Турция), Университетом Афьон (Турция), Академией наук Афганистана, Институтом языков и литературы (Афганистан), Кабульским университетом, Университетом Балха (Афганистан); دانشگاه پئام نور ,کتوبخانه ملک (Иран); دانشگاه پنجاب دانشکده خاورشناس (Пакистан), Ташкентским государственным университетом узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Ташкентским государственным университетом востоковедения, Институтом литературы и фольклора узбекского языка Академии наук Республики Узбекистан, Институтом востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.

